ИЛМИЙ-АМАЛИЙ АНЖУМАН

АНДИЖОН. Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, республика банклар ассоциацияси, вилоят ҳокимлиги, «Андижонбанк» коллежи ҳамкорлигида Президентимизнинг «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари» асари асосида «Ўзбекистоннинг янги аср дастури» мавзуида илмий-услубий конференция ўтказилди. Йиғин иштирокчилари мазкур асарнинг долзарблиги хусусида фикр-мулоҳаза юритиб, маърузалар тингладилар. Асарни ўрганиш тажрибалари ўртоқлашилди. Асар ҳаракатларимиз дастуриламали экани эътироф этилди.

Аҳмадилло СОЛИЕВ.

«НАМАНГАН НАВОЛАРИ»

НАМАНГАН. Республика Ёзувчилар уюшмаси вилоят бўлими нашрга тайёрлаган баёз ана шундай аталди. Истиқлолнинг моҳияти халқимиз онгишуурига сингиб боришида ёзувчию-шоирларнинг хизматлари беназир. Сўфизода, Усмон Носир, Рафиқ Мўминларга эргашаётган бугунги авлод ижодкорлари ҳам эл-юртни улуғлаш, эзгуликни тарғиб қилишда собит қадам ташламоқдалар. Баёзда вилоятдаги 75 нафардан ортиқ қаламкаш ҳақидаги маълумотлар жамланган. «Камолот ёғдуси», «Маҳорат жилоси» ва «Умид шуъласи» каби боблардан иборат бу китоб 20 минг нусхада чоп этилди.

Маҳмуджон ПАРПИЕВ.

ХАБАРЛАР, ЯНГИЛИКЛАР

АДАШГАНГА ЙЎЛ КЎРСАТИБ

ХОРАЗМ. ХДП Хива туман, шаҳар ташкилотлари ташаббуси билан ўқув даргоҳлари билим юртлари ва коллежларида диний мавзуларда суҳбатлар уюштирилди. Партия фаоллари дин вакиллари ҳукуматимизнинг виждон эркинлиги борасидаги сиёсати, қадриятларимизнинг тикланаётгани хусусида фикр юритдилар. Айрим ёшларнинг турли диний оқимлар таъсирига берилаётгани, мутаассиб йўлларга кириб қолишлари каби воқеаларнинг олдини олиш бу борада изланиш чоралари ҳақида гапирилди.

Рўзимбой ҲАСАН.

«МИЛЛИЙ ДАСТУРГА БАҒИШЛАНДИ

ТОШКЕНТ. Сирғали туманида «Миллий дастур» ижросини ташкил қилишга бағишланган семинар-кенгаш ўтказилди. Ўрта махсус ва ўрта таълим ўқув юртлари раҳбарлари иштирок этган йиғинда назорат инспекцияси раҳбари — туман ҳокими ўринбосари Ш. Бобожонов маъруза қилди. Туман ҳалқ таълими бўлими мудири Т. Султоновнинг «Таълим-тарбия ва кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан ислоҳ қилиш, баркамол авлодни вояга етказиш тўғрисида»ги Фармон ҳамда «Таълим тўғрисида»ги Қонун ижросига бағишланган маърузаси ҳам қизғин мунозараларга сабаб бўлди.

Шавкат ТУРҒУНОВ.

Ватанни севмак иймондандур!

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

Ўзбекистон Халқ демократик партияси газетаси

1998 йил 7 март, шанба • № 29 (22.266).

Газета 1918 йил 21 июндан чиқа бошлаган

ЎЗБЕКИСТОН АЁЛЛАРИГА БАЙРАМ ТАБРИГИ

Қадрли онахонлар!
Меҳрибон опа-сингиллар!
Азиз қизларим!

Сизларни қалбларимизни меҳру муҳаббатга тўлдирувчи эзгулик ва гўзалликка даъват этувчи, ўзингиз каби файзли байрамингиз — 8 Март муносабати билан чин қалбимдан табриклайман.

Аёл гўзаллиги ва латофатини тасвир этмоққа ҳар қандай таърифу тавсифлар озлик қилади. Аёл ўзининг нозик елкаларида нафақат ўз оиласи, балки бутун оламнинг ташвишларини кўтариб турибди, деб айтсак асло муболаға бўлмас. Оила фаровонлигини, элу юртнинг тинчлиги ва барқарорлигини таъминловчи, жамоани бирлаштирувчи, эзгу ва ёруғ йўлга етакловчи ҳам аёл.

Ҳар қандай жамият ва давлатнинг адолатли экани, аввалгамбор, унинг аёлларга эътибори билан ўлчанади.

Ҳаёт пайдо бўлганидан буён инсон — она сиймоси олдида ҳамиша таъзим қилади. Аёлни табиатнинг тенгсиз мўъжизаси деб билади, уни эъзозлаб яшайди. Оламга мунавварлик бағишлаган меҳр-оқибат, садоқат, ор-номус каби мумтоз туйғулар аёл қалбида мужассамдир.

Эртанги кунни ёруғ ва саодатли кўрмоқни истаган барча миллатлар орасида аёл зотини эъзозлаш энг муқаддас таомилдир. «Жаннат оналар оёғи остидадур» деган муборак калима ҳам аслида шул ҳақиқатнинг исботидир.

Ҳар қандай жамиятнинг фаровонлиги ва маънавий соғломлиги мезони — оила аҳиллиги, оила мустаҳкамлигидир. Аёл — оиланинг асоси, оила ҳаётини чароғон этиб турувчи ёруғлик.

Бугун азиз ва озод Ватанимизга содиқ, юртимиз шуҳратига шуҳрат қўшадиган оқил, шижоатли, бақувват, мамлакатимиз истиқлолини фидокорона ҳимоя этмоққа қодир авлодни тарбиялашни барча аёлларимиз, оналаримиз ўз умрларининг мазмуни деб биладилар.

1998 йилнинг Оила йили деб эълон қилиниши ҳам бежиз эмас, албатта. Оила миллатнинг, демак, Ватаннинг буюк келажагини улғайтирувчи муқаддас бешик. Униб-ўсаётган авлоднинг соғлом, маънавий етук, ватанпарвар бўлиб камол топиши оилага, бевосита сиз — аёлларга боғлиқ эканини биз яхши биламиз. Шунинг учун ҳам аёл зотини ҳамиша иззат қиламиз, оналарни мўътабар билиб бошимизга кўтарамиз.

Муҳтарам онахонлар, азиз опа-сингиллар!

Сизларни гўзал айёмингиз билан яна бир бор чин дилдан қутлайман.

Оллоҳ бахтингизни, иқболингизни ҳамиша зиёда этсин, янги жамиятимизни, янги порлоқ келажагимизни қуриш, фарзандларнинг камолини ва роҳатини кўриш, қадамлари қутлуғ келинлар тушириш, ширин-шакар набираларнинг бешигини тебратиш саодати ҳар бирингизга насиб этсин!

Юртимиздаги тинчлик ва хотиржамлик кўнглингизни ҳамиша мунаввар қилаверсин!

Рўзғорингиздан файзу барака ҳеч қачон аримасин, ризқингиз улуғ, умрингиз узун бўлсин!

Бахтимизга доимо соғ-омон бўлинг!

Ислом КАРИМОВ.

БАҲОР ВА НАФОСАТ БАЙРАМИГА БАҒИШЛАНДИ

Мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий ҳаётида оламшумул тарихий ўзгаришлар юз бермоқда. Бу залворли одимларда хотин-қизларимизнинг ҳам ҳиссалари беқиёсдир. Биз жонажон диёримизнинг равнақи йўлида жонбозлик кўрсатаётган ишчи, муаллима, шифокор, тадбиркор, муҳандис, олима сингари турли касб соҳибалари бўлган аёлларимиз, мушфиқ ва мунис оналаримиз билан ҳақли равишда фахрланамиз.

Пойтахтимиздаги «Туркистон» саройида 6 март куни зеболик ва эзгулик, меҳр-муҳаббат ва гўзаллик рамзи бўлмиш аёлларимизнинг байрами — 8 Март кунига бағишлаб ўтказилган тантанали йиғилишда ана шу ҳақда гапирилди. Бу ерга мамлакат хотин-қизлари, жамоат ташкилотларининг вакиллари, меҳмонлар ташриф буюрди.

Давлатимиз раҳбари Ислом Каримовнинг Ўзбекистон аёлларига йўллаган байрам табриги ўқиб эшиттирилди.

Бош вазир ўринбосари, республика хотин-қизлар қўмитаси раиси Д. Ғуломова мамлакатимиз аёлларининг Ватанимиз равнақи йўлида, келажагимиз бўлган баркамол ёш авлодни тарбиялашдаги фидокорона меҳнатлари ҳақида сўзлади.

Йиғилишда Ўзбекистон Қаҳрамони Онесия Саитова, Ўзбекистон халқ шоири Эркин Воҳидов, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Галина Мельникова ва бошқалар йўлбошчимизнинг ташаббуси билан тарихий қадриятларимиз, миллий анъаналаримиз тикланаётган ҳозирги вақтда аёлларни эъзозлаш, улар меҳнатининг қадрига етиш, уларнинг жамият ҳаётида қатнашиши учун зарур шарт-шароит яратиб беришга алоҳида эътибор қаратилаётганини таъкидладилар. Оналик ва болаликни муҳофаза этиш, серфарзанд оилаларни ижтимоий ҳимоялашни янада кучайтириш, оиланинг жамият тараққиётидаги аҳамиятини ошириш, унинг иқтисодий, ижтимоий, маънавий ва ҳуқуқий манфаатларини таъминлаш, соғлом авлодни камол топтириш мақсадида кўплаб хайрли ишлар амалга оширилмоқда. 1998 йил Оила йили деб эълон қилингани бунинг яна бир ёрқин далилидир.

Сўзга чиққанлар республикамиз аёлларига қилинаётган доимий ғамхўрлик учун миннатдорлик билдирдилар.

Йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Раиси Э. Халилов, Бош вазир Ў. Султонов, Президентнинг Давлат маслаҳатчилари, Олий Мажлис Раисининг ўринбосарлари, Бош вазир ўринбосарлари, Тошкент шаҳар ҳокими К. Тўлаганов қатнашди.

Санъат усталари ва ижрочи ёшларнинг чиқишлари кечага алоҳида файз бағишлади.

(ЎзА).

Тандирларинг қўри ўчмасин, Ўзбекистон — Онажон!

Турғунбек МАҲКАМОВ олган сурат.

ВАТАН ХАРИТАСИ

☑ Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонига кўра, Владимир Имомович Норов Ўзбекистон Республикасининг Германия Федератив Республикасидаги Фавқулодда ва мухтор элчиси этиб тайинланди. Шу муносабат билан унга Ўзбекистон Республикасининг Фавқулодда ва мухтор элчиси дипломатик мартабаси берилди.

***

☑ Хусусийлаштирилган корхоналарнинг акциялари пакетлари амалда жойлаштирилиши ва уларнинг Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Қимматли қоғозлар бозорини ривожлантириш ва республиканинг фонд бозорида хорижий инвесторлар иштирокини кенгайтириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 1997 йил 31 мартдаги ПФ-1740-сон Фармони қоидаларига мувофиқлигини текшириш бўйича Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 8 сентябрдаги 375-Ф-сон фармойиши билан ташкил этилган республика комиссиясининг иш якунларини кўриб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси «Давлат корхоналари негизида ташкил этилган акциядорлик жамиятларида акцияларни жойлаштиришнинг белгиланган тартибига риоя қилинишини текшириш натижалари тўғрисида» қарор қабул қилди.

***

☑ Журналистларни қайта тайёрлаш халқаро жамоатчилик маркази уюштирган семинар демократик жамиятда оммавий ахборот воситалари иши ва журналистлар фаолиятининг ҳуқуқий асосларига бағишланди. Ўзбекистонда журналистиканинг ҳолати, унинг муаммо ва истиқболлари ҳақида кенг фикр алмашилди.

***

☑ Наманганда аёллар ўртасида 8 Март байрамига бағишланган теннис бўйича мусобақа бўлди. Унда тажрибали спортчилардан ташқари, теннис билан энди шуғуллана бошлаган қизлар ҳам қатнашишди.

***

☑ Бухоро нефтни қайта ишлаш заводининг бир гуруҳ мутахассислари ҳозир Францияда малака оширишмоқда. Улар замонавий нефть крекинги технологиясини ўзлаштириш, жаҳон андозаларига мос нефть маҳсулотлари ишлаб чиқариш борасида малака ошириб қайтишади.

(ЎзА хабарлари асосида тайёрланди).

БУ ДУНЁНИНГ ИШЛАРИ

☑ *Исроил президенти Эзер Вейцман иккинчи муддатга яна ўз вазифасини давом эттирадиган бўлди. Вейцман ҳукмрон Ликуд партияси вакилидан ўзиб кетиб, парламентда кўпчилик овоз олди. Эзер Вецман ҳозир 73 ёшда. У мухолифатдаги Меҳнат партияси вакили. У аввал мамлакат ҳарбий ҳаво кучлари ва мудофаа вазирлигига раҳбарлик қилган. Жамоатчилик фикрини ўрганиш сўровларига биноан унинг сиёсатини исроилликларнинг 70 фоизи қўллаб-қувватламоқда.*

* * *

☑ *Лондон шаҳрида Букингем саройи дарвозасидан ўтиб, қироличани кўришга интилган юк машинаси ҳайдовчиси қўлга олинди. Полиция қоидабузарни тезда ҳибсга олди. Полициянинг маълумотларига кўра, ҳайдовчи алкоголь ёки наркотик модда истеъмол қилиб, маст ҳолга келган ва Букингем саройига йўл олаётганда бир нечта машина билан тўқнашиб кетган. Бахтли тасодиф туфайли ҳеч ким жабрланмаган.*

* * *

☑ *Германия ташқи ишлар вазири Клаус Кинкел жаҳон ҳамжамиятини Сербиянинг Косово ўлкасидаги вазият янада кескинлашмасдан туриб зарур чора-тадбирларни кўришга чақирди.*

Маълумки, аҳолисининг асосий қисмини ислом динига эътиқод қилувчи албанлар ташкил этадиган бу ўлкада албанлар ва серблар ўртасидаги нохуш муносабатлар тобора жиддийлашиб бормоқда. Ўлкада фуқаролар уруши келиб чиқмаслиги учун Косовонинг бўлғуси мақоми ҳақида музокараларни ҳозирдан бошлаш зарур, деди вазир. Унинг фикрича, Косовонинг ҳозирги мақоми ҳам, албанлар талаб қилаётган мустақиллик ҳам барқарорликка олиб келиши мушкул.

* * *

☑ *Колумбия миллий конгрессига бўлиб ўтадиган сайловлар барбод бўлиши мумкин. Мамлакат мудофаа вазирининг хабарига кўра, террорчилик ҳаракатлари, қарама-қарши кучларнинг полиция ва армия билан ҳарбий тўқнашувлари, сиёсатчиларни ўғрилаб кетиш якшанба кунга мўлжалланган сайловларни барбод қилишга уринишдан бошқа нарса эмас. Ҳукуматга қарши кучлар ўзларини Колумбия инқилобчи армияси деб атаб, кейинги пайтда анча фаоллашиб қолишди. Эль Кальварио ва Кватама шаҳарларида ҳукумат қўшинлари билан бўлиб ўтган жангларда ўндан зиёд аскар ҳалок бўлди, 100 га яқини қаттиқ жароҳатланди. Нейве шаҳрида эса иккита сайлов штаби портлатилди. Бундан ташқари 20 га яқин колумбиялик сиёсатчи ўғрилаб кетилди. «Инқилобчилар» сайловларда ўта сўл мухолифат вакиллари ҳам иштирок этишини талаб қилишаётир.*

ЭНГ ИБРАТЛИ КЕЛИНЧАК

ЖИЗЗАХ. Бахмал туман хотин-қизлар қўмитаси ташаббуси ва «Экосан», «Маҳалла» жамғармалари ва туман маданият бўлими ҳамкорлигида «Энг ибратли келинчак» кўрик-танлови бўлиб ўтди. Келинчакнинг соғлиғи, оиладаги ўрни, атроф-муҳитни тоза тутиши, ташқи қиёфаси, урф-одатларни қадрлаши, меҳмон кутиш маданияти, оила бюджетидаги мавқеи, бола тарбиясидаги ҳиссаси юзасидан бўлиб ўтган мусобақада А. Усанов номли хўжаликда яшовчи, қишлоқ участка касалхонаси ҳамшираси Сайёра Даминова туманнинг энг ибратли келинчаги деб топилди.

Абдуғаффор ОМОНБОЕВ.

ГЎШТ КОМБИНАТИ ҲАҚИДА КИМ БОШ ҚОТИРАДИ?

Аччиқ, аммо очиқ гаплар

Маълумки, бундан тўрт-беш йиллар аввал Тошкент гўшт комбинати маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми жиҳатидан нафақат республикамизда, балки Марказий Осиёда ҳам ягона ҳисобланарди. Қарийб ўттиз гектарлик майдонни эгаллаган ушбу корхона асосан хорижий технологиялар билан жиҳозланган бўлиб, унда кунига юз тонна колбаса ва шунга ўхшаш турдаги эллик хил маҳсулотлар ишлаб чиқариларди. Бироқ, сўнгги икки йил ичида камида икки минг кишини иш билан таъминлаш имкониятига эга бўлган мазкур корхонада хом ашё етишмаслиги туфайли маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми кескин сусайтириб юборилди. Пировардида комбинатнинг қайта ишлаш ва сотишдан оладиган йиллик даромади ҳам йил сайин камайиб бора бошлади. Натижада корхона ўзига қарашли бўлган мактаб, иккита боғча, шифохона, поликлиника, профилакторий ва дам олиш масканларини ўз тасарруфидан чиқаришга мажбур бўлди. Хусусан, ўтган йили битта боғча ва поликлиникани сотган бўлса, бу йил ана шундай объектлардан учтасини бошқа эгаларга топшириш мўлжалланмоқда. Сабаби ўтган йили корхонада 97 миллион сўмлик маҳсулот қайта ишланиб, атиги юз минг сўмлик соф фойда кўрилди. Олинган даромад ва фойданинг ҳам асосий қисми юқорида номлари қайд этилган объектларнинг газ, сув, электр энергия ва ер солиғи сингари бир қатор харажатларга сарфланди. Оқибатда ҳиссадорларга ўтган йил учун дивиденд тўланмади. Энг ачинарлиси, бу йил ҳам корхона учун янада оғирроқ йил бўлиши кутилмоқда. Чунки йилнинг дастлабки ойлариданоқ корхонада хом ашё йўқлиги сабабли ишчиларнинг аксарият қисми мажбурий меҳнат таътилига чиқариб юборилди. Айтиш лозимки, агар корхонада аҳвол шу алпозда давом этаверса, кейинчалик у бутунлай тўхтаб қолиши эҳтимолдан холи эмас. Хўш, унда юзага келган вазиятдан қандай қилиб чиқиш мумкин. Албатта, шу ўринда нақотки катта бир корхона хўжаликлардан шартнома асосида қорамол сотиб олишлари мумкин эмас, деган савол туғилиши табиий. Комбинат маъмурияти бу усулни ҳам амалда синаб кўришди. Аммо ўзлари 29 миллион сўмга чув тушиб қолишди. Яъни, Тошкент вилоятидаги ўндан ортиқ хўжаликлар билан шартнома тузилиб, уларга қабул қилинажак маҳсулотнинг ўн беш фоизини бўнак сифатида тўлаб қўйишганди. Мана шу воқеаларга ҳам икки йил бўлди. Аммо комбинат улардан маҳсулот тугул сариқ чақа ҳам ололмади. Масалан, биргина Зангиота туманидаги Баракат жамоа хўжалиги комбинатдан уч ярим миллион сўм қарз. Оғзи куйган қатиқни ҳам пуфлаб ичади, деганларидек корхона маъмурияти янги 1998 йилга хўжаликлар билан умуман шартнома тузмади. — Шартнома мажбуриятларига амал қилмаётган хўжалик раҳбарлари билан жиққа мушт бўлиш, суд-лашиш ҳеч қандай наф бермайди, — дейди ҳиссадорлар жамияти раиси ўринбосари Баҳодир Рустамов. — Шунинг учун жамоа хўжаликлари ёрдамчи ва деҳқон-фермер хўжаликларининг қорамолларини эркин равишда бозорда сўйиб сотишни таъқиқлаш зарур. Ана шунда чорвадорларнинг ўзлари комбинатга келиб, гўшт топширадиган булишади. Ўтган йили Чиноз, Тошкент ва Зангиота туманларида қарийб 156 миллион сўмлик гўшт маҳсулотлари хусусий қассобхоналарда сотилди. Агар ана шу маҳсулотлар комбинатимизга топширилганда эди... Бир қараганда директор ўринбосари ҳақдек туюлади, аммо, бугун замон ўзгарди. Хусусий мулк эгалари ўзларининг маблағи эвазига боқиб семиртирган буқасини ҳеч қачон комбинатга топширмайди. Мабодо шундай қилинган тақдирда ҳам корхонани тўлиқ қувват билан ишлатиб бўлмайди. Чунки бунинг учун кунига 250-300 килограмм тош босадиган қарийб 400 бош қорамол зарур бўлади. Республикамизда эса бундай корхоналар талайгина. Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, бугунги бозор иқтисодиёти шароитида бизга улкан гигант корхоналар эмас, балки талаб ва таклифга қараб маҳсулотлар турини қисқа муддатларда ўзгартира оладиган кичик корхоналар зарур. Шундай экан, мазкур корхоналарнинг цехларини Алгоритм заводига ўхшаб хусусий мулк эгаларига имтиёзли нархларда хусусийлаштириб беришлари лозим. Ёки бўлмаса, унга чет эл сармоясини жалб этиш керак. Албатта, бу бизнинг таклифимиз. Аммо бу ҳақда корхонага бевосита алоқадор бўлган мутасадди раҳбарлар ҳам бош қотириб кўрсалар мақсадга мувофиқ бўларди.

Баҳодир ОСТОНАҚУЛОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.

ЭГИЗАКЛАРГА АРЗОН УЙ

ФАРҒОНА. «Ўзбекнефтқайтаишлаш» бирлашмасида Оила йилида нефтчиларнинг ўғил-қизлари манфаатларини муҳофаза қилиш дастури ишга туширилган. Бунга кўра, серфарзанд ва кам таъминланган оилалар яшаётган уй-жойларнинг коммунал хизматини яхшилаш, ёзги мавсумда ўғил-қизларни оромгоҳларда дам олиши учун 340 та бепул йўлланма ажратиш кузда тутилмоқда. Шунингдек, дастурга кўра, нефтчилар оиласида эгизак фарзандлар дунёга келса, корхона ҳисобидан арзон баҳода уй бериш кафолатланган.

Алишер ИБОДИНОВ.

БАРҚАРОРЛИК – ЖАМИЯТ РИВОЖИНИНГ АСОСИ

Собиқ Иттифоқ таркибидан ажралиб чиққан мустақил мамлакатлар ўртасида Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамиятида ўзига хос нуфузли ва салмоқли ўринга эга бўлиши боиси нимада?

Собиқ Иттифоқ таркибига кирган бошқа республикаларга қараганда, Ўзбекистонда қарор топган ижтимоий-сиёсий вазият анча жиддий ва таҳликали эди. «Век» газетасининг 1995 йил 21-27 июль сонида босилиб чиққан мақоласида жумладан шундай дейилган: «СССР парчаланиб кетгандан сўнг энг даҳшатли воқеа Ўзбекистонда юз бериши лозим эди. Лекин, бундай воқеа бўлмади. Каримов бирорта ҳам хатога йўл қўймади».

Шу ўринда Ўзбекистон Республикаси Президенти иш услуби, сиёсий йўли ва уни олиб боришнинг ўрни алоҳидалигини таъкидлаш зарур. Президентимизнинг фикрича, давлат ва жамият ривожи, тараққиёти, халқнинг тинчлиги ва хавфсизлиги нафақат давлатнинг ички барқарорлиги, балки минтақавий барқарорликни вужудга келтириш ва бир-бирини бевосита тўғри англашга боғлиқ. Дарҳақиқат, биринчи галда маънавий-руҳий жиҳатлари, турмуш тарзи ва урф-одатлари бир-бирига яқин бўлган халқлар ўзаро тотувликни таъминласаларгина, улар яшаётган минтақаларда хавфсизлик барқарор бўлишига, шу асосда минтақаларараро ва қитъаларараро якдиллик вужудга келишига имкон яратилади.

И. А. Каримов жамиятда барқарорликни сақлаш учун мухолифат зарурлигига алоҳида эътибор беради. Яъни сиёсий институт сифатида мухолифатнинг мавжуд бўлиши (у демократик жамият учун шарт бўлган ҳолатдир. Лекин бу мухолифат қонун асосида ташкил топган бўлиши — яъни юридик мақомга эга бўлиши, ташкилий жиҳатдан расмийлаштирилган Конституция ва қонун нормаларини ҳурмат қилиши, халқ манфаатларига зид бўлган хатти-ҳаракат қилмайдиган, умумманфаатини кўзлайдиган бўлиши лозим.

Айрим мухолифларимизга жамиятни ривожлантиришда

Мустақиллик ва демократия

Ўзбекистоннинг ўз йўли борлиги ёқмаяпти. Гўёки Ўзбекистонда демократия йўқ, ҳуқуқий давлатни вужудга келтиришда сусткашликка йўл қўйилаётган эмиш.

Президент И. А. Каримов тинчлик ва барқарорликни таъминлаш тараққиёт гарови, деган ақидага содиқ ҳолда бу масалаларга қатъият билан мамлакат ва халқ манфаатидан келиб чиқиб ёндошмоқда. Бу йўлда у маълум даражада қаттиққўллик ва талабчанлик қилмоқда.

Ўзбекистон давлатчилигида қатъий интизом бор. Бироқ бу, демократияни бўғиш, ҳуррият ни инкор этиш орзу-истагида эмас, балки ўтиш даврида, турли зиддиятлар юз бераётган бир даврда умумий мувозанатни сақлаб туришга интилишдир. Буни жаҳон давлатчилик тарихи амалиёти ва назарияси тўла қўллаб-қувватлайди.

«Век» газетасининг юқорида келтирилган сонида яна қуйидагиларни ўқиш мумкин: «Каримовнинг митингларни тақиқлаб қўйиши — қирғизлар, тожиклар билан ўзаро муносабатлардаги мураккаб вазифаларни ҳал қилиш каби тўғри иш эди. Унинг колхоз ва совхозлар раҳбарларини сайлаш эмас, балки тайинлаш тўғрисидаги таклифи ҳам ўринли эди. Агар шундай қилишмаганда охир-оқибат қандай бўлишини билиш қийин эди».

Айрим мутахассисларнинг фикрича, демократик, давлат бошқарувига асосланган, инсонпарвар фикрлар хилма-хиллигига кенг йўл очиб берган ҳар қандай давлат ҳам айрим ҳолларда кучли Президент ҳокимиятидан зарар кўрмас экан. Ана шундай қатъий интизом, қонун устуворлиги, бунинг устига барчанинг баробарлигини таъминлашга эришган давлатгина ўз фуқароларининг бой маънавият ва маданият эгаси бўлишига, шу асосда жамиятнинг барқарор тараққиётини таъминлашга эришади. Зеро, бугунги кун ана шундай интизомни ва бу орқали барқарорликни сақлаб туриш давр ҳамда шароит талаби эканлигини кўрсатмоқда.

Шоира УМАРОВА,
Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академияси тингловчиси.

Осмон тўла юлдуз десам ёлғони йўқ,
«Ўзбекистон овози»нинг қизларини.
Аммо улар биздан ортиб қолғони йўқ,
Пойлайверманг ҳар бурчакда изларини.

Кўзларида ўт кўрасиз, кўзларида,
Неча дилни асир қилиб олган улар.
Шакарми ё болми дейсиз сўзларида —
Ўзбекистон мулки бўлиб қолган улар.

Ўктам ШАРИПОВ олган сурат.

Дил изҳори

ТЎРТ ЎҒИЛЛИ ТЎРА АЁЛ

Одатда аёл кишининг ёши сўралмайди, айтилмайди ҳам. Зеро, дугонамнинг редакция остонасидан ҳатлаб ўтиб, иш бошлаганига чорак асрдан ошганини эсласам, бўй-бастлари келишган, новдадеккина, юзидаги холи ўзига ярашган қизнинг тимсоли кўз ўнгимда гавдаланади.

Унинг дилидаги гапи айнан тилига кўчади. Кўчгандаям фикрини аниқ, лўнда баён этади. Ёлғонни жини суймайди. Суҳбатдошининг ҳам лафзида озгина бўлса-да қийиқлик сездими, унга ортиқча эътибор бермай қўя қолади. Маслаҳат ё ёрдам сўраб келган одамнинг аввал обдон дардини тинглайди, сўнг имкони қадар йўл-йўриқ кўрсатиш ҳаракатида бўлади. Эҳ-ҳе, унинг танишлари, хизматидан баҳраманд бўлганлар озмунчами?

Ҳали айтишади-ку, «қуш уясида кўрганини қилади», деб. Билган-кўрган, ҳамсуҳбат бўлган ҳамкасбларимизнинг таъбирича, Саодатхоним бутун Сағбон маҳалласининг оқсоқоли бўлган, эл-юртнинг корига яраштан бошқани ўйламаган, икки ўғил, саккиз нафар қизни вояга етказган Турғунбой ота (Оллоҳ раҳмат этган бўлсин)нинг худди ўзлари эмиш. Қатъиятлилиги, бир сўзлилиги, бировнинг дилига йўл топа олиши ва айниқса, қариндош-уруғпарвар, укалари, эгачи-сингилларига оқибатлилига ҳам оталарига тортган.

Дугонамнинг яна бир хислатини айтмай туролмайман. У ўз покиза меҳнати билан нафақат тилга, балки дилга тушган. Қайси таҳририятда, қай лавозимда ишламасин «кўз очиб кўргани» машинкасидан воз кечолмайди. Шунинг орқасидан ҳаммага танилганидан, иши тоза, пухта, таъбингизга ёқадиган бўлганидан бир келган киши яна ва яна унга иш ёздиргиси келаверади. Қўли енгил-да, у ёзиб берган мақола тез кунда газета-журнал юзини кўради. Илмий ишлар ҳимояси ҳам кўпга чўзилмайди. Ҳаммадан ҳам китобларни айтмайсизми. Шеърийми, насрийми, ойкун ўтибоқ ўз китобхони, мухлиси қўлига ета қолади.. Шу боис неча йиллик қадрдонлари ҳатто республика вилоятлари, чекка қишлоқлардан ҳам уни излаб, йўқлаб келгувчилар кўп бўлади. Меҳнатинг қадрига етишса қандай яхши-я... Аслида инсон учун бундан ортиқ бахт бўлмаса керак. Фойдаси текканки, келишади. Яхшилик кўрсатганки, эслашади, қўмсашади.

Умида ФАЙЗИЕВА.

Муштарий бисотидан

ОНАЖОНИМНИ ЭСЛАБ

Таваллуд кунингиз бўлганичун
номаълум
Йиғиламиз ҳаммамиз Сиз ўттан
кунингиз.
Эслаб порлоқ хотирангиз,
йиғлашиб юм-юм,
Ёд оламиз, Сиз айттан
ҳар бир сўзингиз.

Аммо ёшлик қилибман, етмабман қадрингизга,
Ўйлабман, Сиз шундайсизу, шундай қоласиз.
Энди зорман мен оддий босган изингизга,
Ёдимда қолди фақат нурли юзингиз.

Эсимда, хуш кўрардингиз турфа гулларни,
Эрта баҳор экардингиз бериб меҳрингиз.
Майин шаббода аста, тебратиб уларни,
Таратса гул исин, ёришарди чеҳрангиз.

Аммо, найлайки оғир хасталик бегумон
Емириб бормоқда эди соғлигингизни,
Сиз эса аксинча, овутиб бизни ҳамон
Гўё соғломдек тутардингиз ўзингизни.

Дардингизни сўролмадим беун тақдирдан,
Юрак бу кун эзилади бот-бот қисматдан.
Найлайин, дунёи бир кам экан,
Кўнаркансан, айриликка —ҳижрон доғига.

Бугун яна баҳор ёзди яшил қанотин,
Майсаларнинг хушбўй насми келди
сўроқлаб.
Онажоним, Онажоним танда мадорим —
Келмадингиз фарзандингиз бир бора йўқлаб.

Абдулла ШОНОСИРОВ.

КИМ ҚАНДАЙ ИЖОД ҚИЛГАН?

Пушкин «Евгений Онегин» асарининг дастлабки бобларини қиштоғида, караватда ётиб биттанлигини ўз хатида баён этган.

Анатоль Франц илҳом келиб қолганида дуч келган нарсага ёзиб кетаверган, қоғоз гамлаб қўймаган. Ҳатто у эски хатлар, конвертлар, таклифнома-ю, квитанцияга ҳам ёзаверган.

Бальзак фақат тунда, Париж кўчаларида гала-говур тинчиган чоғларда ёзишни маъқул кўрган. Вольтер Скотт эса аксинча эрта тонгдан бошлаб нонушта пайтигача қўнгил муддаосини қоғозга туширар экан.

Адиба ҒОЙИБОВА,
Лобар РАҲИМЖОНОВА.

СИЗГА ЎХШАГИМ КЕЛАДИ

Ёшинг улғайгани сайин қадрдонларингнинг, жигарларингнинг, айниқса, ота-онангнинг қадрига кўпроқ етадиган бўлиб, ҳар бир босган қадаминг, фарзандларингнинг ҳар бир хатти-ҳаракати уларни эслатиб тураркан. Айниқса, оила қуриб, фарзандларинг камолга ета бошлаганида «ота-она» деган сўзнинг асл маъносига тушуна бошлар экансан.

Онам бир вақтлар «Мен ҳам эрдим санингдек, сен ҳам бўларсан манингдек», деб кўп айтардилар. Шундай пайтларда мен кулиб: «Албатта, бу ҳаёт қонуни-ку, она, мен ҳам бир кун шу сўзларни болаларимга айтсам керак», деб қўярдим. Энди билсам, онам айтган бу сўзлар шунчаки гап эмас, тагида катта маъно ётаркан. Чунки онамдек бўлиш осон эмас экан. Эҳ-ҳе...

Тунов куни ўғлим айтганимни қилмай гап қайтарди. Бу менга жуда оғир ботиб, уни койидим. Кейин ўғлимнинг қилган иши, ҳам уни койиганим бир бўлиб дилим оғриди. Шу воқеани ўйлаб ўтирарканман, беихтиёр онгимга саволлар қуюлиб кела бошлади. Ҳа, қандай бўлар экан фарзандинг гапга кирмаслиги? Нима, ўзинг ҳеч қачон онангга гап қайтармаганмисан? Ранжитмаганмисан?

Эҳ, онажон, қани энди худди эртаклардагидек, болалигим қайтиб келсаю, сизга, оз бўлса-да, етказган озорларим ўрнини қоплаёлсам. Эҳтимол, йўқ, эҳтимол эмас, аниқ, сизнинг ҳам шундай пайтларда дилингиз оғриган, ранжигансиз. Лекин онасиздa, ўша заҳоти бизни кечириб юборгансиз. Ахир, бу каби воқеалар бир-икки марта бўлмаган-ку!

Сиз биз учун фақат она эмас, табиб ҳам эдингиз. Болалар врачи бўлганингиз учун то турмуш қургунимизча бирор марта поликлиника ё касалхонага қатнамаганмиз, врачлар қабулига навбат кутиб турмаганмиз. Ёлғизқўл эдингиз, лекин ҳаммасига улгурардингиз.

Баъзан касалхоналарда бироз навбат кутиб қолсам, сизнинг қадрингиз қанчалик ўтишини билсангиз эди. Ё бўлмаса, тириклик ташвиши, баъзи «гиди-биди» гаплардан чарчадим, деган вақтларимда, сиздаги бардошга, сабрга қойил қоламан, она!

Баъзан-баъзан болаларимнинг харҳашаси ёқмай қолганда, ҳозир -- сочингиз қиров қўнгандек оппоқ оқариб, белларингиздан куч-мадор кетган вақтда ҳам невараларингиздан зерикмаганингизга, уларнинг «чуғур-чуғур»ига қандай чидаётганингизга ҳайрон бўламан.

Шундай вақтларда мен ҳам бир кун Сиздек бўла олармиканман, деб ўйлаб қоламан.

Бугун байрам арафасида қоғозга шу сўзларни туширар эканман, Сиз каби оналарнинг узоқ-узоқ умр кўришларини Оллоҳдан чин дилдан сўрайман.

Гулчеҳра УМАРОВА.

Тошкент туманининг «Ҳасанбой» жамоа хўжалигида жойлашган «Ниғмонота» хусусий фирмаси 8 Март Халқаро хотин-қизлар кунига 1,5 гектарлик иссиқхонада турфа хил чинни гулни етиштирди.

Суратда: тадбиркор Асрор Ниғмоновнинг турмуш ўртоғи Мақсуда Қодирова (чапда) фирманинг аъзоси Соня Синбатулина билан гулни саралаб узиб олаётган пайт.

Шавкат АКРОМОВ олган сурат.

Шов-шув

УЧ ЮРАКЛИ «МЕҲМОН»

Ўн саккиз минг бу оламнинг сир-саноатлари бисёр. Техника тараққиёти чўққисида яшаётган инсон баъзан ғайриоддий ҳодисалар қаршисида лол қолиши мумкин.

Детройтда топилган ғалати «жасад» шундай воқеадан бири бўлса ажабмас. Аслида бу топилмани «жасад» дейиш ҳам бироз ноўрин бўлса керак. Негаки, олимлар ҳозирча уни ўтмишдаги бирор жонзот ёки махлуқдир, деган илмий хулосага келганича йўқ. Лекин у нима бўлгандаям бутун дунёга шов-шув бўлиб кетди. Ахир шу пайтгача инсоният уч юракли, икки мияли, рентген нуридек учқур кўриш қобилиятига эга бўлган мавжудот ҳақида билмас эди-да. «Топилма» ўзга сайёраликнинг жасади!

Келгиндининг мумиёланган жасади Детройтдаги XVIII асрда қурилган Превитериан черкови меҳробининг поли остидан чиққанди. Дурадгор уста Вилльярд Коменс анча эскириб қолган тахталарни алмаштира туриб, дўппайиб турган ғалати нарсага кўзи тушди.

Доктор Маркус Жанкинскнинг таъкидлашича, «топилдик» 1988 йилда Англиянинг Ноттигем шаҳридаги Унитариан соатини таъмирлай туриб топилган «жасад»га айнан ўхшар эмиш. Бу ҳақда Стивен Спильберг яратган илмий-фантастик фильмида батафсил ҳикоя қилинганди.

Детройтдаги «уч юрак»ка келсак, олимларнинг фикрича, бу мавжудот ҳеч қачон ерда яшамаган, яъни ўзга сайёралик «келгинди меҳмон»дир. Лаборатория хулосаларига қараганда, «меҳмон» 1870 йилларда ўлган.

— Назаримда қўш миялик «меҳмон» Ерга тушгандан кейин бир неча кун ўтмасданоқ ҳалок бўлган, — дейди доктор Женкинс. — Тахминларга кўра мавжудотнинг учта юраги, 2 та мияси, нурдан кучли ўткир кўриш қобилияти бўлган, дейиш мумкин. Узоқ йиллар шу «ковак»да ётганиям тайин гап. «Жасадни ким мумиёлаган?», «Ерга қандай қилиб келиб қолган?», «Нега айнан шу «коваккa тиққан?»

Афсуски, кўп уринишларимиз беҳуда кетди. Аниқ бир илмий хулосага келингани йўқ.

Илмий текширишлар давом этяпти. Айниқса, олим мумиёнинг хосса, хусусиятларини чуқур ўрганишга киришганини қайта-қайта таъкидлаб ўтяпти. Ҳар ҳолда «меҳмон» осмондан, ўзга сайёрадан тушган деган фаразлар ўз исботини топаёзди. Қолган жумбоқлар ҳам вақти келиб очилса, ажабмас.

Саида ЙЎЛДОШЕВА тайёрлади.

«ЎЗБЕКИСТОН АЁЛЛАРИ» ЎЙЛАНМАСИ

Азиз муштарий! Қуйида таърифлари баён этилган ном ва сўзларни шаклга «занжир» ҳолида ёзиб, машқни ҳал этинг.

1. Мирзо Улуғбекни тарбиялаб вояга етказган, шарафига обидалар бунёд этилган темурий маликаси. 2. Бухорода XVI аср ўрталарида Абдуллахон II томонидан онаси шарафига бунёд этилган меъморчилик обидаси, мадраса. 3. Тошкентда яшаб ижод этган маърифатпарвар шоира, биринчи ўзбек журналист аёли. 4. Ўзбекистон халқ артисти Берта Давидова маҳорат билан ижро этган машҳур мумтоз қўшиқ. 5. Жаҳон халқлари қўшиқ ва рақслари ижрочиси, устоз санъаткор, халқ артисти. 6. Ўзбек мумтоз шоирасининг асл исми. 7. Алишер Навоийнинг «Сабъаи сайёр» достонидаги бешинчи ҳикоя қаҳрамони. 8. Ўзбек мумтоз шоири Мажлисийнинг «Қиссаи Сайфулмулк» ишқий-саргузашт достони қаҳрамони. 9. Газламага гул, нақш безаклари тикиш касби. 10. Абдулҳамид Сулаймон ўғли Чўлпоннинг «Кеча ва кундуз» романи қаҳрамони. 11. Аёлларга хос шарм, ҳаё ҳисси. 12. Ўзбек халқ достончи-шоираси, Эргаш Жуманбулбулнинг момоси қуйлаган, орзу-умид, қаҳрамонона кураш ифодаланган достон. 13. Ҳуқуқшунос олима, Ўзбекистонда хизмат кўрсаттан юрист. 14. «Суюнчи» фильмида Ўзбекистон халқ артисти Зайнаб Садриева ижро этган образ. 15. Миллий бадиий буюмлари жаҳон кўргазмаларида юксак баҳоланган таниқли зардўз, халқ рассоми, Ўзбекистон қаҳрамони. 16. Миллий ипак газлама. 17. Абу Али ибн Синонинг волидаи муҳтарамаси. 18. Шифокор олима, Ўзбекистонда хизмат кўрсаттан фан арбоби. 19. Таниқли шашкачи, спорт устаси. 20. Ўзбек аёллари орасидан етишиб чиққан биринчи тарихчи олима, ирригация ва аграр масалаларга оид илмий ишлар муаллифи. 21. Таниқли дирижёр, халқ артисти, давлат мукофоти совриндори. 22. Уйғунпинг «Парвона» драмаси қаҳрамонларидан бири. 23. Марказий Осиё халқлари босқинчиларига қарши курашган массагет қабилаларининг боғлиғи ҳақидаги афсона.

МУАММОНОМА: Аввал қуйидаги мисраларда келтирилиб, рақамларда ифодаланган сўзларни топиб очқични ечинг.

1. Абдураҳмон Жомий:
Фақат она эмас, менга 13,4,19,19,3,11 зот,
Унинг мартабаси бундан ҳам зиёд.



2. Ғафур Ғулом:
Онам деганимда, оқсоч 12,3,8,9,18,3,15,
Мунис ва меҳрибон чеҳранг намоён.
3. Ҳамза Ҳакимзода:
Йўқ бизга онадек меҳрибон,
Сийнага қалқон, бош узра 1,9,16,7,9,2.
Бизга ҳам лозим ани шод айламак,
Бизга қилган хизматин 14,6, айламак.
4. Абулқосим Фирдавсий:
Она насиҳатин қуйволсин қулоқ,
Дунёда ёмонлик истамас мутлоқ.
Багрида ўстирмиш жонидан азиз,
Жонингдек азиз тут кеча-ю 18,20,2,6,20,10.
5. «Меҳроблан чаён» романидан:
Агар ор этса Лайли ҳақидир Қайснинг жунунидин,
Не бахт, 5,3,21,2,9 харидоринг талаб аҳлининг «Мирзо»си
6. Ўзбек халқ мақолидан:
Она билан — бола,
Гул билан — 17,9,17,3.
Энди шаклда рақамларни «очқич» жавобларидаги тааллуқли ҳарфлар билан алмаштириб, муаммономани топинг. Ундан кўрсаткич йўналишлари бўйича ўқиш билан мутафаккир, мумтоз шоир Мир Алишер Навоийнинг аёл аҳли хусусидаги таърифлари аён бўлади.

Тузувчи: Фозилжон ОРИПОВ.

«АҲЛИ ЖАҲОНДИН ЯХШИЛИҚ» ўйланмасининг жавоблари:

«Занжир» ҳолида: 1. Умаршайх. 2. Ҳондамир. 3. Регистон. 4. Навкар. 5. Режа. 6. Абдуқундузов. 7. Вазир. 8. Ражпут. 9. Табиб. 10. Беҳзод. 11. Доруға. 12. Андижон. 13. Нақора. 14. Абдуллайс. 15. Саҳҳоф. 16. Фазлиддин. 17. Настаълиқ. 18. Қува. 19. Арк. 20. Кўҳинур. 21. Ранжт. 22. Тўфанг. 23. Гулбаданбегим. 24. Моҳим. 25. «Мухтасар». 26. Расадхона. 27. Агра. 28. «Асорат». 29. Тўп. 30. Панжат. 31. Тоҳир. 32. Робида. 33. Ясоқ. 34. Қосимбек. 35. Кабутар. 36. Тарҳ. 38. Ҳиндубек. 39. Кўпик. 40. Курош. 41. «Шифоия». 42. Ясовул.

Топшириқ: 1. «Бобурнома» 2. «Мубаййин». 3. «Хатти Бобурий».

Муаммонома:

Очқич: 1. Элга. 2. Ўргата кўр. 3. Ичра. 4. Зори. 5. Минг. 6. Ва. худ.

Давлат учун ўзингни зор этма,
Иззат учун ўзингни хор этма.

Эслатма: Жавобни тўғри топган мухлисларнинг суратлари газетада ёритиб борилади.

ТАБАРРУК ҚАДАМЖОЛАР БЎЙЛАБ

Бу йил таваллудининг 1225 йиллиги кенг нишонланадиган Имом ал Бухорийнинг бизга қолдирган улкан ва бебаҳо мероси маънавий хазинамизнинг ўчмас қатлами ҳисобланади. Улуғ ҳазратнинг тайёрлаган ҳадислари араб мамлакатларида ҳам кўп асрлардан буён ўрганилади. Шу кунларда араб мамлакатларида илмий экспедиция ўтказаётган ўзбек олимлари гуруҳининг мақсади ҳам улуғ инсоннинг қадами етган жойлар, унинг номи ва маънавий мероси билан боғлиқ жуғрофий манзиллар, йиримик дорилфунунлар ва қироатхоналарда сақланаётган китобларини ўрганишга қаратилган. Экспедиция таркибида Амир Темур жамғармаси раисининг ўринбосари, филология фанлари номзоди Убайдулла Уватов (раҳбар), Фанлар академиясининг Шарқшунослик институти катта илмий ходими, тарих фанлари доктори Ашраф Аҳмедов ва кинорежиссёр ҳамда оператор Абдураҳим Исмоилов бор. Экспедиция Сурия, Иордания ва Миср мамлакатларида шу кунларда қизғин ишламоқда.

Маъсуда ЁҚУБОВА.

ТУЗДА ХОСИЯТ КЎП

Айтишадики, ризқ-рўз туздан бошланармиш. Ҳатто, бу борада ривоят ҳам бор. Ўғри подшо хазинасига тушиб, қоронғуликда билмасдан туз ялаб қўйган экан. Эрталаб бундан хабар топган подшо одамлари хазинадан ҳеч нарса олмаган ўғрининг «қилиғи»дан ҳайрон бўлишган. Шоҳ эса ўғри ўзининг кимлигини билдирса, гуноҳидан кечдим, деб фармон чиқарибди. Шунда ўша ўғри билмай ялаб қўйган туз ҳақи хазинадан ҳеч нарса олмаган эдим, деб тан олган экан. Кўриниб турибдики, туз фақат насибагина эмас. Унинг хосияти бисёр.

УН ва бошқа озиқ-овқат маҳсулотларига мита тушмасин десангиз, қоп ва халталарни номакоблик сувда 20 дақиқа қайнатиб олинг.

НОНни сирли сопол ёки шиша идишда бир сиқим туз билан асрасангиз моғорламайди.

СУТга бир чимдим туз ташласангиз узоқ муддат ачимайди.

ЛИМОН тез сўлиб қолмасин десангиз, бир қатлам туз устига териб банкада сақланг.

ГРЕЛКАдаги сувга бир қошиқ туз қўшиб юборсангиз узоқ вақт совумайди.

Мунира АЗИМОВА,
Гулфия ЖУМАБОЕВА.



ӨЗИНГГА ҚАРАБ ГАПИР...

Халқимизда ана шундай ибора бор. Лекин бунга риоя қилиш учун Ҳожибой қизиқчи айтганидек, ҳамиша кўзгу олиб юришга тўғри келади. Гап шундақи, мутахассисларнинг фикрига қараганда эркакдир, аёлдир оғиз, яъни лаб тузилишида маълум маънолар ётар экан. Қуйида ўзига хос ана шундай сирни очишга уриниб кўрамиз.

***НИМОЧИҚ ЛАБЛАР** — Бундай кишилар ўзларининг аёлвандлиги билан ажралиб турадилар. Улар ўзларининг юриш-туришларида оҳанрабо бордек, жалб қилувчи бўладилар. Агар эркак бўлса, шон-шуҳрат ва енгилтаклик маъносини англатади.*

***ЛАБИ ҲАНДОНЛАР** — Очиқ чеҳрали, сўзамол, киришимли, дўстларини қадрига етадиган, ҳар қандай шароитга мослаша оладиган, ҳис-ҳаяжони билан ажралиб турадиганлар сирасига киради.*

***ЛАЪЛИ ҒУНЧАЛАР** — Кўриниб турган лаблардаги нафис чизиқлар, ўзига хос майин, оқ кўнгил, иболи ва ҳалоллигидан нишонадир.*

***ЛАБИ ЯПРОҚЛАР** — Юпқа лаб соҳиблари босиқ, вазмин бўлсаларда, ҳамиша мафтункордирлар. Кўринишдан қизиққон, лекин ўзларини тута билишда уларнинг олдига тушадигани бўлмайди. Бундайларни йўлдан «уриш» осонмас. Боиси, бундай аёллар ҳамиша тиниқ фикр юритадилар.*

***УЙҒУНЛАШГАН ЛАБЛАР** — Қандайдир ийманиш ва истиҳолага бораётганлиги сезилиб тургандек бундай лаб соҳиблари аксариятини маънавияти етарли бўлиб, ёзувчи, шоирларга хосдир. Улар ҳақиқат билан кечмишни моҳирона мослаштира билишади.*

***СЕЗГИР ЛАБЛАР** — Бундай кишилар очиқ феъл эгаларидир. Улар келишган бўлишлари билан бирга инсонда яхши таассурот қолдира оладиган ҳаётбахшлик фазилатига ҳам эгадирлар.*

***ЭТДОР ЛАБЛАР** — Бундай кишилар ҳис-ҳаяжонини бошқарадиган, қатъиятли, ҳар қандай шароитда ўзларининг юриш-туришларини назорат қила оладиганлар сирасидандир.*

Дилором БЕКМУРОДОВА тайёрлади.

ҲАФТАЛИК

ДУШАНБА, 9

I
6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!».
8.00—8.30 «Ҳафтанома».
*
8.30 «Ўзбектелефильм» намойиш этади: «Амир Темур»
9.00 «Ҳамма кўриши шарт... эмас». Мусиқий дам олиш дастури.
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 — Янгиликлар.
10.05 «Ўзлик». Бадиий-публицистик кўрсатув.
10.30 «Жаҳон киноси юлдузлари».
10.50 «Бу ҳам кино». Сериал.
12.05 «Омад юлдузи». Телевизион ўйин.
12.35 «Спорт, спорт, спорт».
12.50 «Қизлар учун ўй». Мультфильм.
13.10 Телевизион миниатюралар театри.
14.05 Ўзбекистон телерадиокомпанияси камер оркестрининг концерти.
14.35—15.05 «Чироғи ёниқ ўй». Телетанлов.
* * *
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.10 «Қора қўён». Мультфильм.
18.20 «Футбол майдонларида».
18.40 «Зийнат».
19.05 «Олам ва одам».
19.25, 19.50, 20.25, 20.55, 22.15 — Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.55 Биржа ва банк хабарлари.
20.10 Оқшом эртаклари.
20.30 «Ахборот».
21.00 «Муҳаббатимни қўйлайман». Мусиқий дастур.
21.35 «Адолат». Ҳуқуқий-публицистик кўрсатув.
22.20 Диққат, премьера: «Мардикор». Ҳамза номидаги Ўзбек Давлат академик драма театрининг спектакли. 1-қисм.
23.30 «Ахборот».
23.55—24.00 Ватан тимсоллари.
II
18.00 Кўрсатувлар дастури.
18.05 «Даракчи» (рус тилида).
18.15 «Ёрилтош». Мульттўплам.
18.35 «100 йиллик саргузаштлар давомида». Телесериал.
19.05 «Ойдин қадамлар».
19.20 Оҳанглар ва эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50, 20.25, 20.55 — Эълонлар.
19.55 «Туризм ҳақида».
20.30 «Ахборот».
21.00 «Олтин мерос».
21.15 «Санта-Барбара». Телесериал.
22.00 «Бешинчи ўлчов».
22.20 «Бурч ва масъулият».
22.30 «Даракчи» (рус тилида).
22.40 Оҳанглар ва эълонлар.
22.50 «Ёш Индиана Джонс хроникаси». Телесериал.
23.40—23.45 Тунингиз хайрли бўлсин!
III
18.15 Янгиликлар.
18.20 «Қувноқ тароналар». Мультфильм.
*
Россия жамоат телевидениеси.
18.35 — 23.35
***
23.35 Эълонлар.
23.40 «Дунёқараш». Тележурнал.
24.00—00.20 «Ахборот» (рус тилида).
*
IV
17.10 — 18.45 Туркия телевидениеси.
*
18.45 Кўрсатувлар тартиби.
18.50 «Мульттомоша».
19.05, 22.00 — Эълонлар.
19.10 «Морена Клара». Телесериал.
19.55 «Жаҳон».
20.15 «Чинор» видеоканали:
«Умид».
«Айчурек».
«Яқташлар».
*
21.15 «Мусиқали танаффус».
21.20 «Ҳамкорлик».
21.40 «Намастэ».
22.05 Кинематограф. «Оқ ажал».
23.25 «Спорт-тайм».
23.55—00.05 «Хайрли тун!».

СЕШАНБА, 10

I
6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00—8.25 «Ахборот».
*
8.25 Республика газеталарининг шарҳи.
8.40 «Аёл қалби наволари». Мусиқий дастур.
9.10 Биржа ва банк хабарлари.
9.25 «Бокира туйғулар».
9.40 «Олам ва одам».
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 — Янгиликлар.
10.05 Болалар учун. «Кичкинтойлар масканида».
10.25 Инглиз тили.
10.50 «Мардикор». Ҳамза номидаги Ўзбек Давлат академик драма театрининг спектакли. 1-қисм.
12.05 «Қувноқ алдоқчи». Мультфильм.
12.15 «Излаган имкон топар...».
12.40—14.00 Кундузги сеанс. «Энг жозибали, энг латофатли қиз». Бадиий фильм.
* * *
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.10 Болалар учун. «Табиат алифбоси».
18.25 «Кафолат».
18.40 Эстрада тароналари.
19.00 «Менда фикр бор». Тадбиркорлар телевизион клуби.
19.25, 19.50, 20.25, 20.55, 21.25 — Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.55 «Биламиз-у, аммо...»
20.10 Оқшом эртаклари.
20.30 «Ахборот».
21.00 «Муҳлис еҳуд қушиқ изидан...»
21.30 «Акс-садо».
22.00 Диққат, премьера: «Мардикор». Ҳамза номидаги Ўзбек Давлат академик драма театрининг спектакли. 2-қисм.
23.00 «Пардали гап»
23.30 «Ахборот».
23.55—24.00 Ватан тимсоллари.
II
18.00 Кўрсатувлар дастури.
18.05 «Даракчи».
18.15 «Ёрилтош». Мульттўплам.
18.35 «Еввойи ҳайвонот олами».
19.00 «Сеҳрли ўлка ҳақида ҳикоя». Британия.
19.20 Оҳанглар ва эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50, 20.25, 20.55 — Эълонлар.
19.55 «Янгиланиш».
20.10 «Онагинам».
20.30 «Ахборот».
21.00 «Очун».
21.25 Кундалик.
21.35 «Спорт қитъаси».
22.00 «Даракчи».
22.10 Оҳанглар ва эълонлар.
22.20 Кинонигоҳ. «Джеймс Бонд — агент 007.»
00.05—00.10 Тунингиз хайрли бўлсин!
III
18.15 Янгиликлар.
*
Россия жамоат телевидениеси.
7.30 — 9.00
* * *
18.20 — 21.40
*
21.40 «Нафосат олами». Телефильм.
*
Россия давлат телевидениеси.
22.00 — 22.30
*
22.30 Эълонлар.
22.35 «Муҳаббат ва ҳаёт». Бадиий фильм (Франция).
00.05—00.25 «Ахборот (рус).
IV
17.10 — 18.45 Туркия телевидениеси.
*
18.45 Кўрсатувлар тартиби.
18.50 «Мульттомоша».
19.05, 21.50 — Эълонлар.
19.10 «Муҳаббат тарихи». Телесериал.
19.55 «Сен ҳақингда ва сен учун».
20.10 «Мусиқий дақиқалар».
20.15 «Солиқ ҳақида сабоқлар».
20.30 «Ўйингоҳ».
20.50 «Мусиқий парча».
20.55 «Телефакт».
21.05 «Халқ саломатлиги йўлида».
21.30 Хит-коллекция.
21.55 «Қувноқ кино».
22.55—23.05 «Хайрли тун!».

ЧОРШАНБА, 11

I
6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!».
8.00—8.25 «Ахборот».
*
8.25 «Бастакор илҳоми».
8.55 «Алпомиш авлодлари». Спорт дастури.
9.15 «Ҳа-ҳа-ҳа». Ханда, ҳажвия, ҳангома.
9.40 «Жараён»
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 — Янгиликлар.
10.05 «Инсон ва замин» Тележурнал.
10.25 «Мардикор». Ҳамза номидаги Ўзбек Давлат академик драма театрининг спектакли. 2-қисм.
11.25 «Бармоқлар сеҳри».
11.45 «Ёшлик» студияси. «Мулоҳаза, мунозара, муносабат».
12.05 «Маърифат маскани».
12.30 Кундузги сеанс. «Қўчатлар». Бадиий фильм.
14.05—14.25 «Мулоқот». Адабий кўрсатув.
* * *
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.10 Болалар учун. «Кўзгу». Тележурнал.
18.30 «Ислоҳот одимлари».
18.45 «Янграсин шўх яллалар».
19.05 «Фермер». Тележурнал.
19.25, 19.50, 20.25, 20.55, 21.50 — Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.55 «Ранглар жилоси»
20.10 Оқшом эртаклари.
20.30 «Ахборот».
21.00 «Иқтисодиёт чорраҳаларида».
21.20 «Сен кутган баҳор». Мусиқий дастур.
21.55 «Ватанни севмоқ иймондандир».
22.25 «Саҳна ҳаёти».
23.00 «Ўзбектелефильм» намойиш этади: «Диққат, мотор!». Видеофильм премьераси. 1-серия.
23.30 «Ахборот».
23.55—24.00 Ватан тимсоллари.
II
18.00 Кўрсатувлар дастури.
18.05 «Даракчи» (рус тилида).
18.15 Жаҳон халқлари эртаклари.
18.35 «ХХ аср жиноятлари». Телесериал.
19.10 «Дойче Велле» тақдим этади...
19.25, 19.50, 20.25, 20.55 — Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.55 «Жозиба».
20.10 «Нафис мажлислар».
20.30 «Ахборот».
21.00 «Хонадон».
21.20 «Санта-Барбара». Телесериал.
22.10 «Даракчи» (рус тилида).
22.20 Оҳанглар ва эълонлар.
22.30 «Буюк изқуварлар. Коломбо». Сериал.
00.05—00.10 Тунингиз хайрли бўлсин!
III
18.15 Янгиликлар.
*
Россия жамоат телевидениеси.
7.30 — 9.00
* * *
18.20 — 21.40
*
21.40 «Шоҳсупа сари йўл». Спорт дастури.
*
Россия давлат телевидениеси.
22.00 — 22.30
*
22.30 Эълонлар.
22.35 «Муртад». Бадиий фильм (АҚШ).
00.05 — 00.25 «Ахборот» (рус тилида).
IV
17.10 — 18.45 Туркия телевидениеси
*
18.45 Кўрсатувлар тартиби.
18.50 «Мульттомоша».
19.05, 22.15 — Эълонлар.
19.10 «Морена Клара». Телесериал.
19.55 «Мусиқий дақиқалар».
20.00 «Спорт-лотто».
20.10 «Парвоз».
20.25 «Оҳанглар огушида».
20.40 «Автосалтанат».
20.50 «Азизим».
21.15 «Нафосат гулшани».
21.45 «Дурдаршан».
22.20 «Олтин хазина». Ў. Умарбеков. «Қиёмат қарз» спектакли. 2-қисм.
23.20 — 23.30 «Хайрли тун!».

ПАЙШАНБА, 12

I
6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!».
8,00—8.25 «Ахборот».
*
8.25 Республика газеталарининг шарҳи.
8.40 Лирик тароналар.
9.10 «Иқтисодиёт чорраҳаларида».
9.30 «Диққат, мотор!». Видеофильм. 1-серия.
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 — Янгиликлар.
10.05 «Юртим жамоли». Публицистик кўрсатув.
10.30 Янги алифбони ўрганамиз.
11.00 «Ажаб саодат эрур...». Бадиий-публицистик кўрсатув.
11.30 «Туташ томирлар».
11.45 «Чемпион сафардан қайтди». Спорт дастури.
12.05 Кундузги сеанс. «Ажал сиртмоғида». Бадиий фильм.
13.30—14.00 «Қўшиқчилик ва давр». Мусикий дастур.
* * *
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.10 Болалар учун. «Малоҳат дарсхонаси».
18.30 «Ҳидоят сари».
18.50 «Чорраҳа».
19.05 «Ёшлар табассуми».
19.25, 20.25, 20.55, 22.05 — Эълонлар
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 «Юзма-юз».
20.10 Оқшом эртаклари.
20.30 «Ахборот».
21.00 Бевосита мулоқот.
21.35 «Юрак кенгликларида». Ҳайрулла Лутфуллаев.
22.15 «Бирдан бир миллионгача». 2-кўрсатув.
22.40 «Дунё адабиёти».
23.00 «Ўзбектелефильм» намойиш этади: «Диққат, мотор!». Видеофильм премьераси. 2-серия.
23.30 «Ахборот».
23.55 «Наво таралсин». Мусиқий дастур.
00.25—00.30 Ватан тимсоллари.
II
18.00 Кўрсатувлар дастури.
18.05 «Даракчи».
18.15 «Эркатой». Болалар учун дастур.
18.35 «2000-йилдан сўнг». Телесериал.
18.55 «Катта танаффус». Телеўйин.
19.25, 19.50, 20.25, 20.55 — Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.55 «Одамлар орасида».
20.30 «Ахборот».
21.00 «Мусиқа теграсида».
21.20 «Даракчи».
21.30 «Келин-куёв». Телешоу.
22.20 Оҳанглар ва эълонлар.
22.30 Оилавий экран. «Мамлук». Бадиий фильм. (Грузия).
24.00—00.05 Тунингиз хайрли бўлсин!
III
18.15 Янгиликлар.
*
Россия жамоат телевидениеси.
7.30 — 9.00
* * *
18.20 — 21.40
*
21.40 «Шодлик тароналари». Фильм-концерт.
*
Россия давлат телевидениеси.
22.00 — 22.30
*
22.30 Эълонлар.
22.35 «Тандир, арча ва олов...». Телефильм.
22.50 Ҳинд киноси ишқибозларига: «Мисол уч мушкетер». 1-серия.
23.55 — 00.15 «Ахборот» (рус тилида).
IV
17.10 — 18.45 Туркия телевидениеси.
*
18.45 Кўрсатувлар тартиби.
18.50 «Мульттомоша».
19.05, 22.15 — Эълонлар.
19.10 «Муҳаббат тарихи». Телесериал.
19.55 «Суҳбатдош».
20.15 «02» тўлқинида.
20.30 «Ракурс».
21.00 «Дўстим ҳақида».
21.20 «Интерспорт».
21.40 «Каталог».
21.55 «Мусиқий Олимп».
22.20 Киносалон.
23.50 — 24.00 «Хайрли тун!».

ЖУМА, 13

I
6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!».
8.00—8.25 «Ахборот»
*
8.25 «Истиқлолим, сени қўйлайман».
8.55 «Юзма-юз».
9.15 «Меҳр макони».
9.30 «Диққат, мотор!» Видеофильм. 2-серия.
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 — Янгиликлар.
10.05 «Ёшлик» студияси. «Сени Ватан қутади».
10.30 «Соғлом авлод — соғлом миллат».
10.50 Болалар учун, «Мактублар—кабутарлар».
11.15 «Талаб ва таклиф».
11.35 Халқ ижодиёти. «Созга солдим Алпомишни».
12.05 «Маслак ва мақсад».
12.25 Ўзбек қўйларидан концерт.
12.50 «Келажагимиз ворислари».
13.10—14.00 «Эртаклар — яхшиликка етаклар». «Качал-полвон». Республика қўғирчоқ театрининг спектакли.
* * *
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.10 «Соябон — менинг ҳамроҳим». Мультфильм.
18.20 «Мен туғилган тупроқ».
18.35 «Қалб гавҳари».
19.00 «Дил торидан таралган оҳанг». Мусиқий дастур.
19.25, 19.50, 20.25, 20.55, 22.30 — Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.55 «Хитойга теленигоҳ».
20.10 «Оқшом эртаклари».
20.30 «Ахборот».
21.00 «Иқтисод алифбоси».
21.30 «Қарсак». Мусиқий шоу.
22.00 «Маърифатнома».
22.30 «Умр мазмуни». Ҳ. Акбаров.
23.00 «Ўзбектелефильм» намойиш этади: «Диққат, мотор!». Видеофильм премьераси. 3-серия.
23.30 «Ахборот».
«Мунаввар дунё». Дам олиш дастури.
23.55 «Мангулликнинг икки қирғоғи». Бадиий фильм.
01.25—01.30 Ватан тимсоллари.
II
18.00 Кўрсатувлар дастури.
18.05 «Даракчи».
18.15 «Бор экан-да, йўқ экан...»
18.35 «ХХ аснинг улуғ жумбоқлари». Телесериал.
19.05 «Хуш келибсиз».
19.25, 19.50, 20.25, 20.55 — Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.55 «Сизлардан ишорат».
20.30 «Ахборот».
21.00 «Ёнмаган ғўвлар».
21.20 «Санта-Барбара». Телесериал.
22.05 «Даракчи».
22.15 Оҳанглар ва эълонлар.
22.25 Бокс. Бокс. Бокс.
22.45 Саргузашт фильмлар экрани. «Геракл саргузаштлари».
00.10—00.15 «Тунингиз хайрли бўлсин!.»
III
18.10 Киноафиша.
18.15 Янгиликлар.
*
Россия жамоат телевидениеси.
7.30 — 9.00
* * *
18.20 — 21.40
*
21.40 «Мусиқа ҳамма учун». Мусиқий дастур.
*
Россия давлат телевидениеси.
22.00 — 22.30
*
22.30 Эълонлар.
22.35 «Мисоли уч мушкетер». Бадиий фильм. 2-серия.
23.35 «Сумалак». Телефильм.
23.50—00.10 «Ахборот» (рус тилида).
IV
17.10 — 18.45 Туркия телевидениеси

КЎРСАТУВЛАР

*
18.45 Кўрсатувлар тартиби.
18.50 «Мультомоша».
19.05, 22.00 — Эълонлар.
19.10 «Морена Клара». Телесериал.
20.00 «Ассалом, Наврўз!».
20.20 «Маънавият ва Ислом».
20.40 «Бегойим».
21.05 «Бу бўстон аро».
21.30 «Дурдаршан».
22.05 Кинематограф. «Соқов ва муҳаббат».
23.40 Араб эстрадаси.
00.10—00.20 «Мунаввар тонг истаб».

ШАНБА, 14

I
6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!».
8.00—8.25 «Ахборот».
*
8.25 Республика газеталарининг шарҳи.
8.40 «Мусиқа бўстони». Телеальманах.
9.00 «Шоҳрух» клуби.
9.20 «Диққат, мотор!». Видеофильм. 3-серия.
«Ёшлик студияси» намойиш этади:
9.50 «Талабалик йилларим».
10.15 «Маҳорат».
10.35 «Германия — музейлар мамлакати».
*
10.50 Кундузги сеанс. «Одамлар менга ишонинг». Бадиий фильм.
12.30 «Сарви хиромоним менинг». Мусиқий дастур.
13.00 «Маҳалламиз болалари». Телемусобақа.
13.40—15.40 Р. Маъдиев, Б.Умиджонов. «Оқибат». Муқимий номидаги Ўзбек Давлат мусиқий театрининг спектакли.
* * *
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 «Инжиқ малика». Мультфильм.
18.10 «Қушигим, жон қушигим».
18.35 «Нақшларда қолган руҳим...»
19.00 «Мувозанат». Ахборот-таҳлилий кўрсатув.
19.25, 20.25, 20.55, 22.00 — Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Оқшом эртаклари.
20.05 «Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз тилида).
20.15 «Жаҳон спорти».
20.30 «Ахборот».
21.00 «Ўзбекистоннинг янги тарихи».
21.25 Санъат усталарининг концерти.
22.05 Телевизион миниатюралар театри.
22.40 «Ўзбектелефильм» намойиш этади: «Диққат, мотор!» Видеофильм премьераси. 4-серия.
23.10 «Ахборот».
«Тунги ёғду». Дам олиш дастури.
23.35 «Жан Кристофф». Бадиий фильм. 3—4-сериялар.
01.05—01.10 Ватан тимсоллари.
II
8.55 Кўрсатувлар дастури.
9.00 «Бор экан-да, йўқ экан...»
9.20 Саргузашт фильмлар экрани. «Геракл саргузаштлари».
10.45 «Хуш келибсиз».
11.05 «Сизлардан ишорат».
11.35 «Таурас куч тўпламоқда». Телесериал.
12.25 «Бенни Хилл шоуси».
12.50 Бокс. Бокс. Бокс.
13.10 «Нью-Йорк». Телесериал.
*
14.00 Кўрсатувлар дастури.
14.05 «Мусиқа теграсида».
14.25 «Сансет Бичнинг муҳаббати ва сирлари». Телесериал. (АҚШ).
15.15 «Эгиз қўшиқлар».
15.35 «Спорт қитъаси».
16.00 «Учрашув».
16.30 «Жонни Квест саргузаштлари». Мультфильм.
16.50 «Ўргимчак тўри». Телесериал.
17.40 Шарқ тароналари.
* * *
18.00 Кўрсатувлар дастури.
18.05 «Даракчи».
18.15 «Боланинг тили».
18.30 «Сувости дунёсига саёҳат».
19.00 «Таянч».
19.15 «Гулдаста». Мусиқий дастур.
19.25, 19.50, 20.25, 20.55 — Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.55 «Бизнес-академия».
20.10 «Жозиба».
20.30 «Ахборот».
21.00 «Даллас». Телесериал.
21.50 «Даракчи».
22.00 «Хонадонингизга осойишталик тилаймиз».
22.30 Мумтоз наволар.
22.40 «Спорт қитъаси».
23.05 Оҳанглар ва эълонлар.
23.15 Комедияли фильм экрани. «Гудбай, Чарли!»
00.55 — 01.00 «Тунингиз хайрли бўлсин!».
III
18.10 Дастурнинг очилиши. Эълонлар.
*
Россия жамоат телевидениеси.
18.20 — 23.50
*
23.50 Эълонлар.
23.55—00.15 «Баҳор байрами». Телефильм.
IV
10.00 «Рақслар қанотида».
10.20 Эълонлар.
10.25 «Биргаликда қўйлайлик».
11.10 «Шанба эртаги».
12.20 «Биз жазни севамиз».
12.35—13.05 «Кросс-Роудс» кафесига хуш келибсиз. («Америкага бир назар» кўрсатувига илова: инглиз тили ҳамма учун).
* * *
17.10 — 18.45 Туркия телевидениеси.
*
18.45 «Мультомоша».
19.00, 21.55 — Эълонлар.
19.05 «Муҳаббат тарихи». Телесериал.
19.50 «Шанба оқшомида».
20.00 «Далил ва шарҳ».
20.15 «Авторейд».
20.25 «Спектакллдан сўнг».
20.45 «Монитор Осиё».
21.05 «Тақдирлар».
21.30 «Беш дақиқа ўзим учун».
21.35 «Хит-коллекция».
22.00 «Киносалон».
23.40 «Бу ажиб дунё».
23.55 «Спорт-марказ».
00.40—00.50 «Хайрли тун!».

ЯКШАНБА, 15

I
6.30 «Ассалом Ўзбекистон!».
8.00—8.25 «Ахборот».
*
8.25 «Камалак». Болалар учун кинодастур.
10.00 «Ватанимга хизмат қиламан».
11.00 «Диққат, мотор!» Видеофильм. 4-серия.
11.30 «Қувноқ стартлар». Телемусобақа.
12.10 «Жавоҳирлар бўстони». Адабий кўрсатув.
12.40 «Зиёрат».
12,50 Кундузги сеанс. «Мариянга аталган олмослар». Бадиий фильм.
14.05 «Ғузал Фарғонам менинг». Мусиқий дастур.
14.35—15.10 «Телевизион миниатюралар театри».
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 «Ўйла, изла, топ!» Телебеллашув.
18.35 «Ёшлик» студияси. «Қишлоқ ҳақида ўйлар».
19.00 «Ўзлик». Бадиий-публицистик кўрсатув.
19.25, 19.55, 20.25, 21.00 — Эълонлар.
19.30 «Панорама» (рус тилида).
20.00 «Ханда дўкони».
20.30 «Ҳафтанома».
21.05 «Якшанба оқшомида». Мусиқий дам олиш дастури.
21.45 «Ўзбектелефильм» намойиш этади: «Диққат, мотор!». Видеофильм премьераси. 5-серия.
22.15 Спорт. Спорт. Спорт.
«Аср муъжизаси» кинодастури.
22.35 «Кино янгиликлари».
22.45 «Телевикторина».
22.55 «Жаҳон киноси юлдузлари».
23.15 «Бу ҳам кино». Сериал.
00.25—00.30 Ватан тимсоллари.
II
8.55 Кўрсатувлар дастури.
9.00 «Боланинг тили».
9.15 «Катта танаффус». Телеўйин.
9.45 «Жозиба».
10.00 «Таурас куч тўпламоқда». Телесериал.
10.50 «Мафтункор чеҳралар».
11.50 «Бизнес-академия».
12.05 «Болалар экрани».
12.20 «Спорт қитъаси».
12.45 «Бенни Хилл шоуси».
13.10 «Нью-Йорк». Телесериал.
*
«Якшанбада яхши дам» дастури.
14.00 Кўрсатувлар дастури.
14.05 «Хорижий эстрада. «ELTON JOHN».
14.30 «Сансет Бичнинг муҳаббати ва сирлари». Телесериал.
15.10 «Интер-футбол».
15.55 «Нафосат даврасида».
16.30 Мультипанорама.
17.00 «Ўргимчак тўри». Телесериал.
17.45 «Келгуси ҳафтада».
*
18.00 Кўрсатувлар дастури.
18.05 «Даракчи».
18.15 «Сув ости дунёсига саёҳат».
18.30 «Синфдош».
18.55 «Бари ҳазил».
19.05 «Буш ўтирма».
19.25, 19.55 Эълонлар.
19.30 «Панорама» (рус тилида).
20.00 «Кенгга — кенг дунё».
20.15 «Тақвим, оҳанглар, эълонлар».
20.30 «Ҳафтанома».
21.00 «Менинг ҳам ўз овозим бор». У.Маҳкамбоев.
21.20 «Даракчи».
21.30 «Даллас». Телесериал.
22.20 «Миллионлар ўйини». Мавсум арафасида.
22.50 Келгуси ҳафтада.
23.05 Якшанба кинозали.
00.45—00.50 Тунингиз хайрли бўлсин!
III
18.10 Дастурнинг очилиши. Эълонлар.
*
Россия жамоат телевидениеси.
18.15 — 23.50
*
23.50 Эълонлар.
23.55 — 00.20 «Панорама» (рус тилида).
IV
9.00 «Хайрли тонг!».
9.30 «Парле ву франсэ?»
9.55 «Якшанба эртаги».
11.35 «Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз тилида).
11.45 Клип-антракт.
11.55 Эълонлар.
12.00 «Киносалон».
14.00 «Ракурс».
14.30 «Жонли сайёра».
14.50 Клип-антракт.
15.00 Кундузги сеанс.
16.30 Мультэкран.
16.50—17.10 «Сенинг вақтинг».
* * *
17.10 — 18.45 Туркия телевидениеси.
*
18.45 «Мультомоша».
19.00, 21.25 Эълонлар.
19.05 «Кобра». Телесериал.
19.50 «Бугунги кун мавзуси».
20.05 Клип-антракт.
20.15 «Хайрли оқшом».
20.45 Клип-антракт.
20.55 «Жаҳон киноси юлдузлари».
21.30 Киносалон.
23.30 «Бурҳлар башорати».
00.35—00.45 «Хайрли тун!».

КЎРСАТУВЛАР

ҲДП хабари

Байрамга бағишланган давра суҳбати



Куни кеча Ўзбекистон Халқ демократик партияси Сирғали туман кенгаши Халқаро хотин-қизлар кунига бағишлаб, «Лидер аёллар» анъанавий учрашувини ўтказди.

Унда халқ хўжалигининг турли соҳаларида меҳнат қилаётган тадбиркор аёллар ўзларининг фаолиятлари, ишбилармонлик сир-асрорлари ҳақида ўзаро фикр алмашдилар.

Учрашувда дилкаш куй-қўшиқлар янгради, қизиқарли савол-жавоблар, танловлар уюштирилди.

Туман кенгаши биринчи котиби Ё. А. Исҳоқова бир гуруҳ аёлларга Фахрий ёрлиқлар ва совғалар топширди.

Г. РАМАНОВА.

СУРАТДА: учрашувдан лавҳалар.
Ўктам ШАРИПОВ олган суратлар.

МЕҲНАТИНГ БИТМАЙДИ, ДОИМ...

Қўшиқда айтилганидек, ҳақиқатдан ҳам аёлларимизнинг меҳнатлари битмайди, вақтлари ҳеч етмайди. Боиси, биз уй-рўзғор юмушлари билан банд бўлган аёлларга беписанд қарайміз. Боиси, уларнинг официанткалик, пазандалик, кир ювувчилик, тарбиячилик, ўқитувчилик, менеджерлик, маъмурлик, оқсочлик, энагалик, ҳамширалик, шифокорликни бирваракайига уйғунлаштириб бажаришаётгани ҳақида кўпам ўйлаймаймиз. Бундай юмушларни бажариш учун сарфланган вақтга иложи бўлса соатбай ҳисобида ҳақ тўлаш жорий қилинса борми, аёллар учун йирик корхонанинг раҳбари оладиган маошни беришга тўғри келарди.

Рақамларга эътибор қилинг. Тўрт кишилик оила йил давомида кир қиладиган идишлар оғирлиги беш тонна бўлиши ҳеч кимнинг хаёлига ҳам келмаса керак. Шунча идишни дастурхондан ошхонага ташигунча бир йилда камида 1,5 минг километр йўл босиларкан.

Оила катталашса ошхона асбобларию, рўзғор буюмлари кўпайиб, юмуш ҳам ортиб бораверади. Бир вақтлар москвалик эркаклар уй ишига кунига 1,32 соат, аёллар эса 4,09 соат сарфлаши аниқланган. Орадан 35 йил ўтгач бу рақамлар ҳам ўзгариб 2 ва 5,63 соатни ташкил этган. 1975 йили мутахассислар эркаклар уй-рўзғор ишига 1,51, аёллар 5,72 соат сарф қилишаётганини тадқиқ қилдилар.

Кир ювиш, дазмоллаш йилига 200 соатни оларкан. Пол ювишга эса 70 соат. Овқат пишириш қўлни олиши аниқ — ҳафтасига 10-12 соат сарфламаса бўлмайди. Тадқиқотчилар 37 ёшли эрли, икки фарзандли оилани намунага олишди. Бу оилада рўзғор юмушлари ҳажми ҳисоб-китоб қилинганда бу аёл кунига икки марта футбол учрашувида қатнашган ёки чоғроқ велопойгада иштирок этгандек куч сарфларкан, имконини йўқотаркан.

Умида МАНСУРОВА,
Нозима МУҲАММАДЖОНОВА.

МУҲИМИ — КЎНГИЛ ЧЎКМАСИН

Инсоният ҳаётига хавф солиб келаётган — рак касаллиги кўплаб одамларни бевақт ҳаётдан олиб кетяпти. Дунё олимлари рак касаллигининг давосини излаётир. Маълум ижобий натижалар йўқ эмас. Бироқ бу «натижа» рак балосини даф этолмаётир.

Рак хасталигини даволаш мақсадида тинимсиз изланишлар олиб бораётган эстон шифокори — Лууле Виилма ўз тажриба ва кузатишларидан келиб чиқиб, матбуотда мулоҳазаларини баён этди. Ҳозирда Виилманинг дунёнинг тўртта тилларига таржима қилинган бир нечта китоблари нашрдан чиқди.

— Инсон бирон бир дардга чалинар экан, фақат ўз кучи билангина бу дарддан фориг бўлиши мумкин, — деб

ҚЎҲҒИРОТЛИК КУНСУЛУВ

МАРТ

Елкасида каттакон юлдуз чарақлаб турган бу аёл тақдири ҳам элу юрт хизматини астойдил бажараётган ўз тенгдошларининкидан унчалик фарқ қилмайди. Ўз келажагини ва мустақил ҳаётини яратишга бўлган интилиш Кунсулувни ҳам бир вақтлар Тошкентга етаклаб келганди. Тошкентдаги ҳуқуқшунослик техникумини тугатгач, яна юртига қайтди. Бироқ Қўнғиротда унга ўша пайти касбига мос иш топилмади.

Интилганга доимо толе ёр бўлган. Кунсулув ҳам айрим кишиларга ўзининг юрист бўлиш ниятининг тўхтаб қолганидан куйиниб сўз очди. Шунда бир киши: «Эй синглим шунга ҳам сиқиласизми, ана, милицияга боринг, у ерда ҳам сизга мос иш топилади», — дея унинг дил тугунини ечгандай бўлди.

Шу баҳона сабаб бўлдию, уйидагиларга маслаҳат солди. Ота-она ҳам қизининг раъйини қайтармади. Қўнғирот шоҳбекати тармоқ ички ишлар бўлимига келиб, ўзининг юрист маълумотига эга эканлигини, лозим бўлса бирор вазифа беришларини сўради.

Очиғи, миқти жуссали, кўзлари чарақлаб турган бу қизнинг шашти ички ишлар бўлими раҳбарларини ҳам қувонтириб юборди. Негаки, вояга етмаганлар билан ишловчи ходимлар болалар «тилини» тушунмай, ишни рисоладагидек қойилмақом қилолмай турганида бу ташриф уларга «сюрприздек» гап эди. Шу боис, шоҳбекат тармоқ ички ишлар бўлими бошлиғи ҳеч иккиланмай уни ишга олишга розилик берди.

Мана, роппа-роса 16 йилдирки Кунсулув милицияда хизмат қилмоқда. Унинг ўзига хос заҳматли онларию, шарафли лаҳзаларини ҳам бошидан ўтказаётир. Жиноятчиликка қарши кураш ва унинг олдини олишда анчамунча тажриба орттиргач, уни жиноят қидирув хизматига таклиф этишди. Энди у қумқулоқ тўполончи ва жанжалкаш болалар билан эмас, балки ақли-ҳушини таниган, аммо қитмирлиги ва қилмиши элга ёқмайдиган капкатта кишилар — жиноятчи кимсаларга қарши кураша бошлади.

Ҳар бир ишда эришилган натижа меҳнат самарасини белгилайди. Кунсулувнинг хизмат фаолиятидаги эришган муваффақиятлари, бир ишни бошлаганда уни охиригача етказишга бўлган иштиёқ дарҳол уни назарга туширди. Транспорт ички ишлар бошқармаси раҳбарияти унинг «Мен Тошкентда ишламоқчиман» деган ниятига қаршилик қилмаганига ҳам сабаб шу — унинг ўз ишини пухта бажариши ва энг муҳими унга юклатилган топшириқни уддалаб кетишига юксак ишонч мужассамлиги эди.

Айни кунда Кунсулув Тлеубергенова Транспорт ички ишлар бошқармаси Жиноят қидирув бошқармасида хизмат қилмоқда. Йўлларда ва бекатларда йўловчилар тинчини бузаётган безорилар, гиёҳванд моддаларни ташишга уринаётган нопок аёллар қилмишини фош этишда ички ишлар ходимларига яқиндан ёрдам бераётир.

Ҳакимжон ЮНУСОВ,
Нақлиёт ИИБ катта инспектори, милиция капитани.

СУРАТДА: Кунсулув Тлеубергенова (чапдан иккинчи) ҳамкасблари билан.

Шавкат АКРАМОВ олган сурат.

Vatanni sevmak iymondandur!

O'ZBEKISTON OVOZI

O'zbekiston Xalq demokratik partiyasi gazetasi

1998 yil 7 mart, shanba № 29 (22.266).

Gazeta 1918 yil 21 iyundan chiqa boshlagan

Шеър ва шуур

ГУЛЛАРНИ БОЛАМДАЙ СУЙГАНИМ РОСТДИР...

БАХТ

Осмонга қарайман доим интизор,
Агар тили бўлса юлдузлар айтсин.
Сиздан яхшиликлар кўрганман кўп бор,
Мендан қайтмагани худодан қайтсин.

Кўкдаги Қуёшни онамдай кўриб,
Гулларни боламдай суйганим ростдир.
Шунча йил ҳаётда елиб-югуриб,
Топганим — тортганим барибир оздир.

Қачондир бой берган севгимни эслаб,
Ёнимдаги ёрни унутдим чоғи,
Адашдим — бўйимдан баланд бахт излаб,
Қайрилди кўнглимнинг энг нимжон шохи.

Борар ери йўқдир — кўчалари кўп,
Қўнгил киши билмас жойдаги тилсим.
Кундан-да ёруғроқ кечалари кўп
Саодат сирини одамлар билсин.

Бахтиёрлик муҳри юрагимда бор,
Қувончларнинг яна қанча излари.
Байроқдай ҳилпираб ҳайратта солар,
Бахтли инсонларнинг бахтсизликлари...

* * *

Сиз учиб яшайсиз битган—битмаган,
Юмушларнинг сирли найрангларида.
Мен эса исингум ҳеч зум тинмаган,
Қушлар гурунгининг гулханларида.

Майсалар оловдай кўринар эди,
Қўнгил овламоққа шошарди шабнам.
Сизни эсламайман мутлақо энди,
Илойим, панд бермай турсин хотирам..

Баҳорлар бағрига сиғмаган дамлар.
Қанча чўзилмасин ўтади бир кун.
Сизни хўп ҳуркитиб юборган ғамлар,
Менинг ҳам умримга бўлолмас устун.

Шунча йил яшадим минг ҳадик узра
Сизнинг йўлингизда ёввойи ўтдай.
Бойчечак юз очмас барибир кузда
Кўнглим эриб кетди бир ширин қанддай.

Бор йўғи биттаю-битта гуноҳим,
Азоблар мен билан бирга яшади.
Паришон чеҳраму, маюс нигоҳим,
Сизнинг севгингизга соя ташлади.

Ғамларнинг ёнида жой йўқдир сизга,
Иш билан машғулсиз, демакки бандсиз.

Бу дунё жилмайиб боқмади бизга,
Яшаб кўринг менсиз ва муҳаббатсиз.

Тиз чўкиш, ёлвориш қўлимдан келмас,
Мен сиздан кечаман - сиздан олдинроқ.
Энди кўзларимга майсалар эмас —
Оловдай кўрина бошлади тупроқ...

* * *

Остонадан ҳатлолмай ҳалак,
Изингизга қайтасиз мудом,
Шунча ожиз бўлурми юрак,
Ер тепиниб ёнар ҳар оқшом,

Вужудимда давомли титроқ,
Кўз ёшимни яшираолмайман,
Муҳаббатнинг измига бироқ,
Мен ўзимни топширолмайман.

Мен қийнаган тунлар сим сиёҳ,
Ишқли кўнглим ёруғдир холос.
Деразадан бир ўғри нигоҳ,
Термулади — чиқазмай овоз.

Гуллар экиб пештоқларига
Бизлар сарой қурибмиз қордан,
Дучор бўлдик қишнинг макрига,
Умидимиз: энди баҳордан...

***

Тушларимдан қўрқаман жуда,
Ҳаётимнинг ярмидир улар.
Келтиргувчи олисдан мужда.
Мен юражак йўлларми улар!

Гоҳо мени хавфдан, хатардан,
Оппоқ тонглар асраб қолади.
Ё йиқилсам қоронғу жардан,
Кучли бир қўл тортиб олади.

Беролмайди фақат гувоҳлик,
На сояси, на излари бор.
Кундузларни қилардим тортиқ,
Бўлса эди менда ихтиёр.

Тушларимда берар тасалли,
Сув ичганим — азим дарёлар.
Улғайтириб қўйди шекилли,
Мен қачондир қилган хатолар.

Хазон пайтинг куз эмас, балки,
Баҳорларни кўришинг мумкин.
Тушларингда ҳайқирсанг ҳамки,
Овозингни эшитмас ҳеч ким!

Замира ЭГАМБЕРДИЕВА.

Ун саккиз минг олам

ИЛОН ВА БЕШИКТЕБРАТАР

Бу воқеани ўз кўзимиз билан кўрмаганимизда балки бунчалик таъсирланмаган бўлардик. Келинг, яхшиси бир чеккадан сўзлайлик. Ўшанда, қуёш тик кўтарилиб, кунлар қизий бошлаган чоғлар эди. Ҳовлида яйрашиб, тушлик қилардик. Бирдан қалдирғочнинг куйиниб чағиллаши эътиборимизни тортди. Онам пешайвонга қара-чи, дедилар. Кўрсак, қалдирғоч уй бурчагига қурган ини атрофида чарх урар, чириллар, ўзини қаёққа қўйишни билмасдан безовталанарди. Сабаб, узунлиги икки метрча келадиган илон устунга ўралганича полопонларга яқинлашаётган экан.

Ҳовлида фақат аёллар бўлганимиз учунми, воқеани кузатишдан нари ўтолмадик. Ҳайтовур, қалдирғоч «уста» чиқиб қолди. Ўзини деразага урдию, бир зумда кўздан ғойиб бўлди. Бу пайтда илон ўлжаси сари интиларди. Кўп ўтмай қалдирғоч тумшуғида ниманидир илинтириб қайтди. Қарасак, қалдирғоч ўзи билан бешиктебратарни олиб келган экан. Кўм-кўк бешиктебратар қалдирғоч уяси билан илон ўртасида тебранганча туриб қолди. Илон тилини чиқарар, ҳамон илгари судралар, бешиктебратар эса пинагини бузмасди. Воқеа бирдан юз берди. Бешиктебратар тезкор ҳамла қилдию, илоннинг бир кўзини юлди. Ваҳший безовталанди. Зеро, унга нафси тинчлик бермасди. Бешиктебратар ҳам «анойи» эмас экан. Яна ҳужумга ўтиб, судралувчининг иккинчи кўзини ҳам боплаган эди, у шалоплаб ерга тушди. Қулча бўлганича қимирламай қолди. Онам дарҳол ўлжахўрни қисқич билан хокандозга олиб, кўздан ғойиб қилди. Қалдирғоч эса полапонларининг халоскорини тумшуғига илиб яна ток баргларига элтиб қўйди.

Ёқут ХОЛМУҲАММЕДОВА,
Марфуа АБДУҚОДИРОВА.

ҲИКМАТ — БИР ҲОВУЧ ОЛТИН

Ҳинд донишмандларининг айтишича, тан жароҳатини тузатса бўлади. Аммо ўйламай айтилган сўздан кўнгилга етказилган ярага малҳам топиш қийин экан.

***

Бир донишмандга «энг кучли деб кимни айтса бўлади» деб сўрашганда: «Ҳаром-хариш ишлардан ўзини тия олган киши энг кучли дейишга арзийди» деб жавоб берган.

***

Маломат кийимини кийгандан кўра, саломатлик либосини кийиш яхшироқдир.

***

Беморга олтин кароват ҳам қувонч келтирмас.

***

Инсон ўз уйи эшигини беркитиб, вужудини сақлай олади-ю, аммо қалб эшигини беркитишга ожиз — қайғу-алам «меҳмон» бўлиб туради.

***

Соч оқармасдан, чеҳра сўлмасдан, қуёшни булут қопламасдан, қон суюлиб рангсиз бўлиб қолмасдан, кўз нури қирқилмасдан бурун, баҳор — ёшликни бекорга совурма.

Ширин РАҲИМБЕРДИЕВА тайёрлади.

Аломат гаплар

ЭНГ БЎЙДОР АЁЛ

Маълум бўлишича, дунёдаги баланд, энг дароз аёл Зенг Джинпиан экан. Унинг бўйининг узунлиги 247 сантиметрга тенг бўлган. Аксинча, энг паст бўйли аёл эса нидерландиялик Паулина Мустер бўлиб, унинг бўйи 59 сантиметрдан ошмаган. Шунингдек, ҳабаш аёли Флора Мэй Джексон Флорида штатида истиқомат қилган ва унинг вазни ҳамманикидан зиёда — 381 килограммни ташкил қилган.

Малоҳат МИНГБОЕВА.

ТОВОН ПУЛИ УНДИРИБ

Мадраслик Сарасвати хонимнинг меъдаси оғриб, шифокорларга мурожаат қилган ва унга азоб бераётган оғриқ — шиши жарроҳлик йўли билан олиб ташланган. Зеро, бу билан хонимнинг дарди кучайиб, оғриқ тўхтамаган. Шифокорлар эса дори-дармон бериб, галга солиб юраверишган. Орадан олти йил ўтгач, рентген ёрдамида унинг ошқозонида қисқич қолиб кетгани аниқланган. Ўзига азоб берган бу оғриқлар эвазига дардманд аёл шифохонадан чиққани ҳамон шифокорлардан маънавий товон талаб қилган.

Нигора АЗИМОВА.

Бош муҳаррир Азим СУЮН

Таҳрир ҳайъати

Абдулла ОРИПОВ
Абдулҳафиз ЖАЛОЛОВ
Азиз НОСИРОВ
Одилжон ОЛИМЖОНОВ
Ислом ШОҒУЛОМОВ
Салим АШУРОВ (бош муҳаррирнинг биринчи ўринбосари)
Норбобо ШАКАРОВ (бош муҳаррир ўринбосари)
Андрей ОРЛОВ — (бош муҳаррир ўринбосари «Голос Узбекистана»)
Алимқул СУЛТОНОВ (масъул котиб — «Ўзбекистон овози»)
Валерий ЛАБАРЕШНИХ— (масъул котиб — «Голос Узбекистана»)

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

ГОЛОС УЗБЕКИСТАНА

МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ

БЎЛИМЛАР:

Мафкура ишлари ва партия ҳаёти — 133-76-04, 136-33-40.
Парламент фаолияти ва ҳуқуқ — 133-20-36, 136-54-35.
Иқтисодиёт — 133-21-43, 136-57-22.
Фан ва маданият — 133-20-36, 136-33-40.
Хатлар ва оммавий ишлар — 133-76-04.
Ахборот ва спорт — 133-12-56, 136-55-16.
Халқаро ҳаёт — 133-20-36.
Саноат, қурилиш ва транспорт бўлими — 133-07-20.
Реклама ва эълонлар — 133-38-55, 133-47-80.
факс— 133-38-55, 133-54-55

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:

Андижонда — 24-16-48;
Бухорода — 23-80-06;
Гулистонда — 25-16-22;
Жиззахда — 3-31-86;
Навоийда — 3-39-20;
Наманганда — 6-43-43;
Нукусда — 7-58-83;
Каттақўрғонда — 5-33-46;
Тошкентда — 133-76-04;
Урганчда — 6-51-35;
Фарғонада — 24-54-61;
Қаршида — 3-25-79;
Қумқўрғонда — 5-26-24.

МАНЗИЛИМИЗ:

700000, ТОШКЕНТ, МАТБУОТЧИЛАР КЎЧАСИ, 32-УЙ.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси.

Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Навбатчи муҳаррир Алишер РЎЗИЕВ, навбатчи Нурбек ТОШНИЁЗОВ.

Рўйхатдан ўтиш тартиби №00120

Газета офсет усулида, А—2 форматида, 36136 нусхада босилди

Ҳажми 2 босма табоқ

«Ўзбекистон овози» материалларини кўчириб босиш фақат таҳририят рухсати билан амалга оширилади.

Г — 01046

Босишга топшириш вақти -21.00. Топширилди – 21.00.

1 2 3 4 5 6.

СОТУВДА ЭРКИН НАРХДА

ВНИМАНИЮ РУКОВОДИТЕЛЕЙ АВТО-ПРЕДПРИЯТИЙ И ОРГАНИЗАЦИИ!

Ташкентский филиал АО Уз АСК «ЙЎЛОВЧИ» предлагает к реализации со склада в Ташкенте нижеследующие автозапчасти:

А/Камера 8.40х15 РАФ, Автокамеры 205х70R14, Автошины 205/70R14, Вал коленчатый Г-24, Вкладыши корен. Г-24, Вкладыши шатун. Г-24, Втулки резьбовые сб., Втулки рессорные Г-24, Гильза поршень Г-24, Диск сцепления Г-24, КПП Газ-24, Карбюратор К126 Г-24, Кольца поршнев. Г-24, Контакт Г-24, Корзина Г-24, Крестовина Г-24, Маслонасос ГАЗ-24, Механизм рулевой в сборе, Накладки тормозные, Накладки фрикционные, Насос вод-й Г-24-10, Пальцы шаровые Г-24, Подвеска перед. Г-24, Подушка перед. Г-24, Подшип. шкворня Г-24, Подшип. выжимной Г-24, Подшип. ступицы Г-24, Прокл. г/бл. ГАЗ-24, Реле регул. Я-112, Ремень 1018 Г-24, Рем к-т карбюр. Г-24, Сальник полуоси Г-24, Сальник удл. КПП, Свечи А-11 Г-24, А-17, Трос спидометр. L=1.5, 2.5 Цилиндр сцеп. нж. Г-24, Шестерня р/вала Г-24, Шкворень ГАЗ-24, Элемент фары ГАЗ, ЗИЛ Бензонасос Г-53, Вал коленчатый Г-53, Вкладыши кор. ГАЗ-53, Вкладыши шат. ГАЗ-53, Втулка распред. Г-53, ГПГ (Завол) Г-53, Генератор 12В Г-53, Головка блока Г-53, Диск сцепления Г-53, Корзина Г-53, Накладки фрикционные, Опор. карданв. Г-53в сб. Провод выс.напряжен., Прокл. г/бл. ГАЗ-53, Распред. зажиган. Г-53, Ремень 1045 ГАЗ-53, Ремкомплект вакуума, Стартер СТ 230А Г-53, Фильтр масляный Г-53. Амортизатор ЗИЛ-130, Вал коленчатый 3-130, Вал первичный З-130, Вкладыши корен. 3-130, Вкладыши шатунные, Втулка шкворная З-130, ГПГ ЗИЛ-130, ГПГ ЗИЛ-375, Камера тормозная, Карбюратор ЗИЛ-130, Кольца порш-е З-130, Крестовина ЗИЛ-130, Насос ГУР 3-130, Насос водяной З-130, Пальцы рулевой тяги, Подшипник выжимной, Подшипник 114 З-130, Поршень-палец З-130, Прок-ка вс.кол. 3-130, Прокладка г/бл УРАЛ, Ремень 1103 З-130, Рессоры задн., перед., Шестерня 1-перв/вала, Шестерня 2-перв/вала, Шестерня 4-перв/вала, Шланг тормоз. З-130, Щиток приборов З-130, Вклад.корен. КАМАЗ, Вкладыши шатун.КАМАЗ, Втулки балансира, Генератор Г-273, Датчик МЭ-307 КАМАЗ, Домкрат гидр.КАМАЗ, Клапан двой.защ. К/З Клапан трой.защ. К/З, Кольца порш. Наб. Чел., Крестовина КАМАЗ, Накладки фрикционные, Насос водяной КАМАЗ, ПГУ в сборе КАМАЗ, Пара плунжер-я КАМАЗ, Подкачка КАМАЗ, Подушка перед. КАМАЗ, Подшип.выжимной К-3, Подшипник 108810, Подшипник 7610 КАМАЗ Прокл.перед.зад двиг. Прокладка ГБЦ (Яросл), Прокладка поддона, Распылитель КАМАЗ, Ремень 1320 КАМАЗ, Рем-т ПГУ КАМАЗ, Рем-т ТНВД КАМАЗ, Рем-т привода сцепл, Рем-т регул.давлен., Рем-т системы охлаж., Сальник задн. ступицы, Фильтр воздуш.КАМАЗ, Фильтр маслянный, Фильтр топливный, Энергоаккумулятор, Асботкань АТ-1, Асботкань АТ- 3, Жидкость тормозная, Том БСК Набивка саль.АПР-10, Насос топлив. НД 21/4 Пистолет заправочный, Шланг напорный Д25, Шланг напорный Д32, Шланг напорный Д40, Шланг напорный Д50, Вал вторич-й КПП МАЗ, Вал первич.ЯМЗ-236, Вкл.корен.ст.ЯМЗ-238, Вкл. шат. ЯМЗ-236РЗ.Р4, Включ.мас. ВК-700, Втулка шкворня МАЗ, ГПГ ЯМЗ-238, Головка блока ЯМЗ 238, Диск сцепления МАЗ, Кол.порш.(1порш) 130,5 Компрессор МАЗ, Крестовина МАЗ, Накладки фрикционные, Насос НШ-32 МАЗ, Насос НШ-50 МАЗ, Насос масляный МАЗ, ПГБ ЯМЗ-238, Пара плунжерная МАЗ, Подушка МАЗ-500, Подшипник 108710 МАЗ Прокладка подд. ЯМЗ-236, Радиатор КРАЗ, Радиатор МАЗ, Распылитель МАЗ, Реле Я-120 МАЗ, Ремень 887 МАЗ, 937, Ремк-т комп-ра МАЗ, КрАЗ Сальник 140х170МАЗ, Сальник 85х110 МАЗ, Синхрон-р 4-5 п.МАЗ, Стартер МАЗ, Стеклоочиститель МАЗ, ТНВД ЯМЗ-236, ТНВД ЯМЗ-238, Тяги реактив-е КРАЗ, Фильтр груб.очистки, Фильтр топл.т.о.МАЗ, Шестерня 2 п.вт/вала, Шестерня 3 п.вт/вала, Шестерня 5 пер.в/вала, Шкворня КРАЗ с втул, Эл.двигатель печки. Супер — МАЗ Стартер СТ- 142Д

ФОРМА ОПЛАТЫ — ПЕРЕЧИСЛЕНИЕМ.

Наш адрес: г.Ташкент, ул.Айбека, 47. Тел: (3712) 54-93-07, 54-78-19. Факс: (3712) 54-76-31.

М. Тургунбоева номидаги «Ўзбекрақс» миллий рақс бирлашмаси жамоаси «Лазги» рақс ансамблининг хонандаси, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Раҳматжон Қурбоновга онаси **Ленинза АМИНОВА**нинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.